

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI./Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРЗАҲМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

**БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИ ЭКСТРЕМИЗМНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

07.00.04 – Диншунослик (фалсафа фанлари)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович

Бағрикенглик маданияти экстремизмнинг олдини олиш омили
сифатида..... 3

Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович

Культура толерантности как фактор предотвращения
экстремизма..... 33

Mirzakhmedov Abdirashid Mamasidikovich

Culture of Tolerance as a Factor in Preventing Extremism 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 69

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI./Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

МИРЗАҲМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

**БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИ ЭКСТРЕМИЗМНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

07.00.04 – Диншунослик (фалсафа фанлари)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B20184.DSc/Fa140 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган муҳандислик-технология институтининг “Ижтимоий фанлар” кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.iiiau.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Назаров Киёмиддин Нормирзаевич**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Каххарова Матлюба Манофовна**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Кушаев Умиджон Рахимович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Усманов Маъруфжон Шокирович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI./Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат _____ даги БИММ платформасидаги онлайн мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш. А. Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Д.А.Рахимджанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, тарих фанлари номзоди, доцент

З. М. Исламов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср дунё миқёсида глобаллашув ва халқаро муносабатлар тизимининг шиддатли трансформацияси жараёнида хавфсизликка таҳдид ва хатарлар орасида экстремизм ва терроризмнинг халқаро тус олиши билан алоҳида ажралиб туради. Экстремистик ва террористик таҳдидларнинг мазмун-моҳияти ва тарқалиши трансмиллий характерга эга бўлиб, дунё мамлакатларини жиддий хавотирга солмоқда. Шу боис жаҳон ҳамжамияти томонидан БМТ, ЕХХТ, ШХТ, МДХ ва бошқа халқаро тизим ва ташкилотларда бу таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган халқаро конвенция, ҳаракатлар дастури каби 60 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинган¹. Инсониятга қарши турли мақсад ва манфаатларни кўзлаган мафкуравий кураш ва ҳаракатлар бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Ғоявий, диний марказларнинг кенг аҳоли қатлами, айниқса, ёшлар қалбини эгаллаш учун тарғиботи, миллатлар ва халқларнинг онгини ўз ғояларига бўйсундиришга интилиши экстремизмнинг олдини олишга доир тезкор, самарали чора-тадбирларни амалиётда қўллашни талаб этади.

Жаҳон ҳамжамиятида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон, бағрикенглик тамойиллари декларацияси, Инсон ва фуқаролик ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш юзасидан таъсирчан фаолият олиб борилмоқда. Ривожланган мамлакатлар олий ўқув юртларида толерантлик, миллий-диний масаланинг ҳуқуқий меъёри, мусулмон мамлакатларида бағрикенглик, ислом ахлоқи, фалсафаси бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунё мамлакатлари ижтимоий-фалсафий фанларида либерал толерантлик, ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг янги замонавий усул ва тамойилларини ишлаб чиқиш ҳозирги даврнинг устувор илмий йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузли анжуманларда жаҳон ва минтақа ижтимоий-сиёсий ва диний барқарорлиги, хавфсизликни таъминлашга доир аниқ таклифлари ижобий баҳоланмоқда. Бу, ўз навбатида, экстремизмга қарши иммунитетни мустаҳкамлаб, ёшларга сифатли таълим бериш, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик, диндорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, миллий-диний камситишларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси

¹ Декларация о ликвидации всех форм нетерпимости и дискриминации на основе религии или убеждений ООН, 1981 г.; Декларация принципов терпимости ООН, 1995; Декларация принципов толерантности ЮНЕСКО, 1995 г.; Бухарестский план действий ОБСЕ по борьбе с терроризмом, 2001 г.; Шанхайская конвенция о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом, 2001 г.; Конвенция Шанхайской организации сотрудничества по противодействию экстремизму, 2017 г.; Договор о сотрудничестве между государствами-участниками Содружества Независимых Государств в борьбе с терроризмом, 1999 г.; Решение совета глав государств СНГ «О концепции сотрудничества государств-участников содружества независимых государств в борьбе с терроризмом и иными насильственными проявлениями экстремизма», 2005 г.; Арабская конвенция о борьбе с терроризмом, 1998 г.; Конвенция Организации Исламская конференция о борьбе с международным терроризмом, 1999 г. и другие.

билан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” ғояси асосидаги махсус резолюция, “Жаҳолатга қарши – маърифат” концепцияси “ижтимоий адолат, дўстлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жаҳолат ва зўравонлик амалиётини тугатишда ҳамкорлик” маданияти сифатида тан олинди². Шу боис бағрикенглик маданиятининг фанлараро фундаментал тадқиқотлари экстремизмнинг мамлакатимизда намоён бўлиши генезиси ва оқибатларини Наманган (1991), Тошкент (1999), Андижон (2005) фожиали ҳодисаларининг илмий-назарий, мафкуравий негизларини ҳар томонлама ўрганиш, ислом динига хос толерантлик фалсафасини умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигида ижтимоий адолат, дўстлик, инсон ҳуқуқлари доирасида билимсизлик ва зўравонликка қарши бағрикенглик маданиятининг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда³.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 июнда қабул қилинган “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги”ги, 2017 йил 18 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги, 1998 йил 1 майда янги таҳрирда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон, 2019 йил 15 ноябрдаги “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5876-сон фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланиши умуммиллий дастурининг “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар ва миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Бағрикенглик тамойилларининг мазмун-моҳияти, экстремизмга қарши курашда ижтимоий, диний, маданий жиҳатларини ўрганишга доир илмий тадқиқотлар жаҳоннинг йирик илмий марказлари, таълим тизимида, жумладан, Америка сиёсий ва ижтимоий фанлар академияси (American Academy of Political and Social Science, АҚШ), Швеция халқаро тараққиёт

² Доклад Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева на 72-сессии Генеральной Ассамблеи ООН// Народное слово. –2017, 20 сентября; Резолюция, принятая Генеральной Ассамблейей 12 декабря 2018 года A/RES/73/128 «Просвещение и религиозная толерантность»// <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/A/RES/73/128>.

³ Shirin A. Violence in Andijan, 13 May: An Independent Assessment -Uppsala University, 2005. - P. 12-24.

⁴ Диссертация мавзуси юзасидан хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.aapss.org, www.lse.ac.uk, <https://www.sida.se>, www.gallup.com; www.iss.europa.eu; <https://icscentre.org>; <https://shisu.edu.cn>; <https://www.dba.uz>; <https://www.urfu.ru>; <https://www.mgu.ru>; <https://www.rgppu.ru>; <https://www.nuu.uz>; <https://www.tiu.uz>; www.namiti.uz ва бошқ.

ҳамкорлик агентлиги (Swedish international development cooperation agency, Швеция), Лондон иқтисодий ва сиёсий фанлар мактаби (London School of Economics and Political Science, Англия), Европа Иттифоқи Галлуп ижтимоий фикрни ўрганиш институти (European Union institute research social opinion of Gallup, Франция), Фридрих Эберт Фуқаролик жамияти фонди, Берлин фуқаролик жамияти маркази (Civil Society Fund Frederich Ebert, Berlin civil Society Center, Германия), Замонавий санъат институти (Institute of Contemporary Arts, Англия), Тинчлик институти, Антидиффамацион лигаси, Бағрикенглик тафаккурини ривожлантириш ва экстремизмни олдини олиш халқаро маркази, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Жанубий сектори (АҚШ), М.В.Ломоносов номидаги МДУ, Россиянинг биринчи Президенти Б.Ельцин номидаги Урал федерал университети, Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги Халқаро ислом фикҳи академияси (Саудия Арабистони), ал-Азҳар университетида Ислом тадқиқотлар академияси (Миср) ва бошқа марказлар томонидан амалга оширилмоқда. Айтиш керакки, Ўзбекистонда мазкур муаммо юзасидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Наманган муҳандислик-технология институтида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Экстремизмга қарши кураш омилларига доир халқаро миқёсда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида куйидаги натижалар олинган: жумладан, Ғарбий Европа ва АҚШда давлат ва дин, фуқароларнинг диний ҳуқуқ ва эркинликлари борасида ижтимоий-маънавий муаммоларни ҳал этишда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳуқуқларининг кафолатлари, диндорларнинг диний эътиқодларини амалга оширишга доир шарт-шароитларни яратиш, унда инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлаш масалалари ишлаб чиқилган (American Academy of Political and Sotsial Science, London School of Economics and Political Science, Civil Society Fund Frederich Ebert, Berlin civil Society Center). Шу билан бирга, Европа давлатларида толерантликнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий қонуниятлари тадқиқи асосида экстремизмга қарши кураш услубияти такомиллаштирилиб, ёшларнинг маънавий қадриятлари сифатида миллий-диний камситишлар, куч ишлатишдан ўзни тийиш, зўравонликнинг олдини олишда ижтимоий босиқлик, низо ва можароларни ўзаро келишув асосида ҳал этишга доир тадқиқотлар амалга оширилган ((Institute of Contemporary Arts, Swedish international development cooperation agency); Ислом сабр-тоқат фалсафасининг ҳуқуқий жиҳат ва хусусиятлари (Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги Халқаро ислом фикҳи академияси); Шарқ халқлари бағрикенглик маданиятининг миллий-ахлоқий характери, аҳолининг турли қатламларида диний экстремистик муносабатларнинг сабабияти (ал-Азҳар Ислом тадқиқотлар маркази); бағрикенгликнинг ижтимоий-ҳуқуқий чегаралари (Россия) белгилаб берилган; Ўзбекистонда диний бағрикенглик фалсафаси, диний ташкилотлар, уламоларнинг экстремизм ва терроризмнинг олдини олишдаги ўрни юзасидан назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган (Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Жаҳон ижтимоий фанларида диний фундаментализм ва экстремизмнинг кучайишига қарши муаммолар миллий ўзликни англаш, диний муносабатлар ва вазиятнинг радикаллашуви, ислом дини ниқобидаги террорчилик ҳаракатларининг юз бериши, давлатнинг динга, диндорларга, диний ташкилотларга муносабатини қонун устуворлиги асосида тартибга солишнинг ижтимоий методологиясини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда⁵. Шу билан бирга, экстремизмнинг олдини олишда ижтимоий, диний, сиёсий-маданий омиллар, мусулмон ҳуқуқи нуқтаи назаридан аксиологик илмий тадқиқотлар ҳам алоҳида илмий йўналишни ташкил этади⁶.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамятда бағрикенглик, жаҳон динларида ўзаро мулоқот, диний сабр-тоқат масалалари замонавий хорижий олимлар асарлари, жаҳон мумтоз фалсафасининг бир қатор намуналарида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, бир қатор хорижлик олимларнинг экстремизм ва радикализмга оид алоҳида фундаментал илмий тадқиқотлари яратилган⁷. Жумладан, МДХ олимлари орасида В.Арестов, Т.Бояр-Сазанович, А.Васильев, В.Галперин, А.Грачев, А.Игнатенко, П.Каушанский, А.Коровикова ва бошқаларнинг экстремизмнинг мазмун-моҳиятига доир тадқиқотларида экстремизмнинг ғоявий моҳияти, диний ақидапарастликнинг объектив ва субъектив сабаблари таҳлил қилинган⁸. Улар таркибида жамятнинг сиёсий тизимини мустаҳкамлашда бағрикенглик маданиятининг тадқиқига оид илмий ишлар алоҳида гуруҳни ташкил этади⁹.

⁵ Добаев И.П. Исламский радикализм: социально-философский анализ. –Ростов н/Д.: СКНЦ. 2002.-120 с; Декларация принципов толерантности // Жамят ва бошқарув. -2004. -№1; Малащенко А.В. Исламские ориентиры Северном Кавказе. –М.: Гендольф. 2001, - С.60 и др.

⁶ Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Т.: Ўзбекистон, 2004. -146 б.; Бағрикенглик - барқарорлик ва тараққиёт омили. /Мас. муҳ. А.Очилдиев. -Т.: Тошкент ислом университети, 2007. -132 б; Солдатова Г.У. Психология межэтнической напряженности. -М.: Смысл, 1998.-387 с;

⁷ Қаранг: Angenot M. La tolerance est elle une vertu politique? –М-L. Eddi-presses Universite Laval. 2006. -70 s; Augustin S. Religioser Pluralismus und Toleranz in Europa –Springer-Verlag. 2008. -378 s.; Buchler P. Religiose Toleranz heute –und gestern - Berlin.2013. -232 p; Buzzi F. Tolleranza e liberta religiosa in eta moderna – Ambrosiano, 2013 -176 p; Costa P. Toleranza e riconoscimento –EDB. 2014 -112 p; Grell O.P. Toleration in Enlightenment Europe –Gamburge Unversity Press/ 2000.-270 p; Griffel F. Apostasie und Toleranz im Islam. – Brill. 2000.-521 p; Jansen L Wo hoerst die Toleranz auf / Wallstein Verlag.2006.-130 p; Laurson J.C. Paradoxes of Religious Toleration in Early Modern Political Thought.Lexington Books. 2012 -224 p; Melkevik B. Tolerance et modernite juridique –Presses Universite Laval.2006. -147 p; Sageman M. Leaderless Jihad. -Philadelphia, University of Pennsylvania Press, 2008. -230 p. Yousefi H.R. Seubert H. Toleranz im Weltkontext –Springer-Verlag/ 2012/ -295 p; Roy O, Généalogie de l’islamisme -Paris, Hachette, 1995. -P. 101; Charara W., Domont F., Le Hezbollah, un mouvement islamo-nationaliste -Paris, Fayard, 2004, -P. 110. etc.

⁸ Арестов В.Н. Религиозный экстремизм: содержание причины и формы проявления, пути преодоления. – Харьков: изд. ХарГУ, 1987. –187 с; Арухов З. Экстремизм в современном исламе. –Махачкала, 1999. –156 с; Бабаджанов Б. Комилов М. Развитие религиозной ситуации в Ферганской долине: проблемы и перспективы //Общественное мнение. Права человека. –Т.: 2000. -№ I-2, –С. 96-98; Бояр-Сазанович Т.С. Международный терроризм; политико-правовые аспекты.-Киев-Одесса: Либид, 1991.–248 с; Васильев А. М. Пуристане в исламе? Ваххабизм и первое государство. –М.: Наука, 1967.–456 с; Гальперин Б.И. Религиозный экстремизм: кто есть кто. –Киев: Политиздат, 1989, –131 с; Игнатенко А.А. Халифы без халифата. –М.: Наука/ гл. ред вост. лит. / 1988. –224 с; Коровиков А. В. Экстремизм в арабских странах. –М.: Наука, 1990. – 167 с; Тулепов А. ИШИД фитнаси –Т.: Мовароуннахр. 2015. -108 б; Сторчак В. Современный российский фундаментализм: причины появления и формы проявления //Религия и молодежь в современных мусульманских обществах. –Т.: РНПЦ Имама Бухары и Ф. Эберта. 2006. –С. 82-89 и др.

⁹ Абакумова И.В. О становлении толерантной личности в поликультурном образовании//Вопросы психологии. 2003.-№ 3. –С.78-82; Анисимов О.С. Толерантность в общественном сознании России. -М.: - 1998.-123 с; Толерантность: различные парадигмы анализа //Толерантность в общественном сознании

Экстремизм таҳдидига қарши курашнинг профилактика муаммолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида атрофлича ўз аксини топган. Уларда ижтимоий адолатнинг конституцион тамойиллари ва қонун устуворлиги, жамиятда барқарор тараққиёт ва тинчликни таъминлашда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, айниқса ёшларнинг маънавий маданиятини юксалтириш орқали экстремизм “терапия”сига эътибор қаратилган¹⁰.

Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанлари тизимида ўзбек халқи этно-ижтимоий ҳаётидан келиб чиққан ҳолда бағрикенглик маданиятининг вужудга келиши ва ривожига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилган¹¹. Экстремизмнинг Ўзбекистонга бевосита таҳдиди Ш.Пахрутдиновнинг, бағрикенгликнинг этноконфессионал жиҳатлари А.Абидов, Д.Абдуразақова, Ш.А.Ёвқочев, Э.Г.Каримова, Н.А.Сафарова, А.Очилдиев, У.Р.Кушаев, М.Хаджиева, М.Мусаевларнинг диссертацияларида тадқиқ этилган¹².

России. –М.: 1998. -254 с; Асмолов А.Г. Толерантность: на пути к толерантному сознанию -М.: Смысл, 2000.–290 с; Бондырева С.К. Толерантность.-М.: НПО "МОДЭК",2003.-240 с; Золотухин В. М. Толерантность как проблема антропологии -Кемерово: КузбасГТУ, 2001.-267 с; Кротков Е.А. Анатомия толерантности: феноменологический анализ. -М.: 2002. -125 с; Лекторский В.А. О толерантности // Философские науки. -1997.-№ 3.4; Купина Н.А. Философские проблемы толерантности -М.: ОЛМА ПРЕСС, 2005. –542 с; Лебедева Н.М. Толерантность в межкультурном диалоге -М.: ИЭИА РАН, 2005. -365 с.; Октем Н. Толерантность и межконфессиональный диалог //Религия и молодежь в современных мусульманских обществах. –Т.; РНПЦ Имама Бухары и Ф.Ф. Эберга. 2006. –С.125-132; Уолцер М. О терпимости. -М.: Уоле университет, 1997. -160 с; Хомяков М.Б. Толерантность как социокультурная проблема. -Т.2 -Екатеринбург, УрГУ. -2000. -437 с; Хажиева М. Ўзбекистонда толерантлик жараёни. -Т.: АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛТ, 2008. -128 б.; Ҳасанов А. Ўзбекистон - анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси //Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик - тараққиёт омили. -Т.: 2001; Керимов Т.Х. Проблемы толерантности и социальная гетерология //Толерантность и политсубъектная социальность. –Екатеринбург, 2001. -С. 24-27; Толерантность / Общ. ред. М. П. Мчедлова. -М.: Республика, 2004. -416 с; Уолцер М. О терпимости. -М.: Идея -Пресс. 2000.-160 с; Хамутовская С. В. Политическая толерантность: концептуализация понятия // Социологический альманах. -2012, -№ 3. -С. 223-229; Форсова В.В. О религиозных корнях толерантности // Социологические исследования. -2004. -№ 1. - С. 59-60 и др.

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан – Т.: Ўзбекистон, 2016; Мирзиёев Ш.М. С нашим многонациональным трудолюбивым народом мы вместе построим свободное демократическое и процветающее государство – Т.: Узбекистан, 2017; Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади – Т.: Ўзбекистон, 2019.

¹¹ Абдулазиз Мансур. Диний ақидапарастликнинг зарарлари//Адолат. – 2009.–22 май; Диний бағрикенглик ва мутаассиблик: (юз саволга – юз жавоб) / Мас. мух. О.Юсупов. –Т.: Тошкент ислом университети, 2009. -158 б.; Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўлланма / Мас. мух. А.С.Очилдиев.–Т.: Тошкент ислом университети, 2009. –246 б.; Жуманиёзов Х.С., Расулова А.М. Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: 2017.–163 б; Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар: Ўқув қўлланма. – Т.: 2000. –Б. 28; Исмаилов И. Мамадалиев У. Диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш муаммолари /Тошкент: Ислам университети илмий-таҳлилий ахборот. –2003.-№ 4.–Б.50-53; Тураев Б. О. Закурлаев А. К. Ёшларни ақидапарастлар таъсирдан ҳимоялаш усуллари: услубий қўлланма. –Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2010; Қодиров А. Диний экстремизм – сиёсий ҳодиса. Экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари: Конф. материаллари. –Т.: ИИВ Академияси, 1999.-346 б.; Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. –Т.: Тошкент ислом университети, 2014.–552 б; Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўлланма /Мас. мух. А.С.Очилдиев.–Т.: Тошкент ислом университети, 2009. –246 б.; Ислам никоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар / Шермухамедов К., Каримов Ж. –Т.: Мовароуннахр, 2014. -160 б; Экстремизм ва терроризм тараққиёт душмани. Ўқув қўлланма. Мас. мух. З.Исломов, Ш. Икрамов. –Т.: ИИВ Академияси, 2015.-164 б. и др.

¹² Абидов А.Т. Проблема ислама в Российской печати. Дисс. канд. филос. наук. –Т.: ТашГУ, 1994. –158 с; Абдуразақова Д. Теоретико-методологические основы деятельности учреждений культуры и образования в развитии толерантного сознания молодежи многонационального региона. Дисс. на соиск. уч. степ. доктора

Замонавий ҳаёт ислом динининг жамият маънавий маданиятидаги бунёдкорлик ролининг ижтимоий таҳлилларини талаб этиши, бир томондан, экстремизм ғоявий мазмун-моҳиятининг тадқиқига зарурият, иккинчи томондан, мазкур ижтимоий хавф-хатарга қарши самарали кураш услубиятини ишлаб чиқишга эҳтиёжни кўрсатмоқда¹³. Ваҳоланки, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш Миллий бағрикенглик маданияти концепциясини ишлаб чиқишни, “бағрикенглик маданияти”, аҳоли бағрикенглигининг ижтимоий чегараларини аниқлаштиришга қаратилган тадқиқотлар ва уларнинг илмий категориал аппаратини ишлаб чиқишни талаб этади. Қайд этиш керакки, экстремизмга қарши кураш доирасида хорижий ва миллий фалсафий тадқиқотлар фаол равишда олиб борилсада, лекин бағрикенглик маданиятининг экстремизмнинг олдини олиш масаласи махсус тадқиқот доирасида алоҳида тадқиқ этилмаган. Мазкур тадқиқот иши фуқаролик муносабатларида барқарорлик, жамиятда демократик ислохотларнинг янада чуқурлашувига хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институтининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш муаммолари” илмий-тадқиқот дастури (2017-2021 й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бағрикенглик маданиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш экстремизмнинг олдини оловчи омил эканлигини исботлаш, фалсафий таҳлиллар асосида диний-ижтимоий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий хулосалар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидаги тарзда белгиланди:

бағрикенглик маданиятининг аҳоли ижтимоий-маданий ҳаётини тартибга солишда фуқаролик жамиятининг устувор кадрияти сифатидаги фалсафий таҳлилларини кўриб чиқиш;

бағрикенглик маданиятининг умуминсоний ва миллий, консерватив ва либерал жиҳатларини аниқлаш ҳамда “сабр-тоқат”, “бефарқлик”, “бетарафлик” каби категорияларига тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш;

ислом таълимотига сабр-тоқат ва умуминсоний бағрикенглик маданиятининг таркибий қисми сифатида ёндашиб, ёшлар маънавий ҳаётида ислом дини кадриятларининг таъсирига оид таҳлил ва тадқиқотларни ўтказиш;

пед. наук. –М.: 2009. –421 с; Ачилдиев А.С. Миллий гоёя - миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. Дисс. докт. полит. наук. –Т.: ТашГУ, 2004.–301 с; Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте. Автореф. на соиск. кан. полит. наук –Т.: 2000.–24 с.; Каримова Э.Г. Ўзбек толерантлигининг этнорегионал хусусиятларини социологик ўрганиш. Фалс. фан. ном. дисс. автореф. –Т.: 2003. –24 б; Кушаев У.Р. Жаҳон динларида бағрикенглик –Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 1997; Сафарова Н.А. Терроризмга қарши курашнинг тарихий-фалсафий таҳлили –Т.: ЎзМУ, 2011. –240 б; Пахрутдинов Ш.И. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний экстремизм таҳлиди. Сийсий ф.д. ... дисс. –Т.: 2001. –297 б.; Хаджиева М. Ўзбекистонда толерантлик жараёни: фалс. фан. докт... дисс. автореф. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 56 б.

¹³ Общественное мнение. Права человека. –2002. – № 4.– С.7-189.

Ўзбекистонда диний фундаментализм, экстремизм мазмун-моҳиятининг таҳлиллари асосида экстремизм ғояларининг сабаби ва асосий омилларини илмий ёритиш;

МДХ мамлакатларидаги экстремизмнинг қиёсий социологик таҳлилларини ўрганиш, унинг республикамиздаги диний муносабатларга таъсирини аниқлаш;

Фарғона водийсида диний фундаментализм ва терроризм намоён бўлишининг ижтимоий сабабларини аниқлаш;

республика ҳукуматининг диндорлар ва диний ташкилотларга қаратилган бағрикенглик сиёсатини ёритиб бериш;

мавзу юзасидан МДХ давлатлари тажрибасига таянган ҳолда ёшлар орасида экстремизмнинг кучайишига қарши “Жаҳолатга қарши- маърифат” ёшлар миллий дастурига назарий ва амалий тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти экстремизмнинг олдини олишда бағрикенглик маданиятининг ўрнини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг предмети диний экстремизм жараёнларининг олдини олишда бағрикенглик маданиятини миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги жиддий омил сифатида фалсафий таҳлилдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, тизимли – функционал ёндашув, ижтимоий-фалсафий таҳлил, ижтимоий сўров, назарий абстракциялаш каби самарали сиёсий-ҳуқуқий услублардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигини таъминлаш жараёнида аҳолининг бағрикенглик маданиятини юксалтиришнинг умумбашарий мезонлари сифатида “толерантлик” ва миллий “бағрикенглик” тамойилларининг “сабр-тоқатлилик”, “муросаю мадора” каби фалсафий компонентларининг мазмун-моҳияти аниқлаштирилган, ислом динининг “муроса”, “раҳмдиллик” ва “сабр-бардошлилик” тамойилларида катталарнинг ёшларга панд-насиҳат анъаналарини ўргатиш орқали лоқайдлик, бепарқлик иллатидан халос этиш экстремизмнинг олдини олишда асосий етакчи омил эканлиги асослаб берилган;

бағрикенглик маданиятининг маънавий-ахлоқий мазмуни, ижтимоий-иқтисодий, маданий тузилиши экстремизмнинг кучайишига қарши давлат, жамият ва шахс муносабатларини барқарорлаштириш учун оилавий турмуш, тадбиркорликка қулай маънавий муҳит шакллантириш “ижтимоий муросаю мадора” тарбиявий ёндашувидан фойдаланишга мос, таянч, хусусий ва умумий натижадор компетенцияларнинг оила – мактаб – касб-хунар билим юрти – меҳнат жамоасидан иборат узвий тизими ишлаб чиқилган;

“Жаҳолатга қарши – маърифат” концепцияси ёшларнинг касбий малакаларни эгаллаш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка инновацион ёндашувлар, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, диндорларнинг ижтимоий фойдали меҳнатда фаол иштироки орқали ёшларнинг оила ва

никоҳ, индивидуал ва жамоавий ҳаётида сабр-тоқатлилигининг долзарб тамойилларини чуқур илм-маърифат, ҳикмат ва фалсафий нуқтаи назардан ёндашув, муроса ва босиқлик одобини ҳар бир болага гўдаклик чоғидан бошлаб сингдириш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган;

“Билимсизликка қарши маърифат”, “жаҳолатга қарши – маърифат”-фаол фуқаролик позициясини тарбиялаш орқали ижтимоий бошқарув, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш учун ёшларда соғлом турмуш тарзи, таълим ва маънавий маданият даражасини юксалтириш, айниқса, хотин-қизларга замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш катта савоб эканлигини мактаб ёшидан бошлаб сингдириш, тадбиркорликка жалб этиш, ижтимоий бандлик орқали миллий ва диний бағрикенглик иммунитетини ривожлантиришнинг мафкуравий ташкилий-технологик, маънавий-маърифий жиҳатлари такомиллаштирилган;

Бағрикенглик тамойилларининг ижтимоий-маданий омил сифатида жамият ривожланиши, экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг замонавий ва анъанавий мазмун-моҳиятини асослашга қаратилган диний мутаассибликка қарши туришда ёшларнинг бағрикенглик феъл-атвори, қиёфаси (имижи, мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик даражасини аниқлашнинг саралаш босқичлари, деонтологик профессиограммаси)ни яратиш мақсадида мукофотли мусобақалар ўтказиш, таълим ва тарбия тизимида натижадорлик миллий ва умуминсонийлик аспектида таҳлилий баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёшларнинг бағрикенглик маданиятини шакллантириш асосида экстремизмнинг олдини олиш услубияти тавсия этилиши мамлакат хавфсизлиги, аҳолининг ижтимоий-маданий барқарор ҳаётига ижобий таъсир этиши исботлаб берилган;

экстремизмнинг олдини олишда “Жаҳолатга қарши – маърифат” ёшлар миллий дастурини ишлаб чиқиш зарурати юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

экстремизм профилактикасида ёшларни ахлоқий тарбиялаш учун бағрикенглик маданиятини кенг қўллаш, талаба - ёшлар орасида ғоявий-тарбия тадбирларни мақсадли ўтказиш, Ўзбекистон фуқароларининг бағрикенглик маданиятига доир ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда самарали чора-тадбирларнинг янги комплекс режаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ва миллий илмий анжуманлар, ОАК рўйхатидаги хорижий ва миллий журналларда нашр этилган мақолалар, бағрикенглик маданияти юзасидан таклиф ва мулоҳазалар, тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилгани, монографиялар, тадқиқот натижаларининг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти жамият ҳаётида бағрикенглик маданиятининг шаклланиши экстремизм кучайишининг олдини олишга қаратилган илмий назарияни бойитиб, Ўзбекистонда виждон эркинлиги ва диний

ташкilotларга оид амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизликнинг маънавий соҳалардаги услубий ёндашувларини янада мукамаллаштиришда фойдаланилиши мумкинлигида ўз ифодасини топади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ёшлар орасида маънавий-маърифий ишлар ва ўқув жараёни, давлат ва жамият тизими фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий актлар, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда диссертация иши натижалари ва хулосаларидан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бағрикенглик маданияти экстремизмнинг олдини олиш омили сифатида ўрганиш бўйичаўтказилган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида:

жамиятнинг барқарор тараққиёти ва хавфсизлигига таҳдидларга қарши бағрикенглик маданиятининг замонавий таҳлиллари юзасидан илмий-назарий ёндашувлардан Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан ёшларни ўзбек халқининг муқаддас қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашга оид давлат меъёрий акт ва қонунларини такомиллаштиришда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 8 октябрдаги 05/1-917-сонли акти*). Натижада, ёшлар орасида тарқалаётган ноанъанавий маданиятга доир халқаро актларга қўшилмасликка эришилган;

ёшлар орасида умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб этиш, уларни ўзбек халқининг бой маънавий меросига садоқат руҳида тарбиялаш учун диний жаҳолатга қарши маънавий-маърифий таълим ва тарбиянинг маъруза, суҳбат ва учрашув шакллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маънавият ва маърифат Кенгашининг дастурлари, малака ошириш курслари ўқув режаларида таклиф ва мулоҳазалар сифатида амалиётга жорий этилган (*Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат Кенгашининг 2019 йил 14 майдаги 02-09-517-19-сонли маълумотномаси*). Натижада, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳурмат, экстремизм ва терроризмга қарши тадбирларнинг самарали ташкил этилишига эришилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017) Қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим тизимида ёшларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга қаратилган илмий тадқиқотлар сифатини оширишга доир “Толерантность в нравственном воспитании молодежи” номли монографияда бағрикенглик юзасидан илмий қараш ва ёндашувлар сифатида халқаро амалиётга жорий этилган (*Ruga Lambert академик наشريётининг 2019 йил 9 апрелдаги 978-613-9-58240-2-сонли акти*). Илмий тадқиқот натижалари асосида яратилган монографияни Немис миллий кутубхонаси каталогига киритишга эришилган, шунингдек илмий тадқиқот натижаларига ҳавола қилиш бўйича 1 хирш-индекс даражасига эришилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (16.04.2018) Фармонида кўзда тутилган ўзбек халқининг мингйиллик бой илм-фан ва жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини кенг тарғиб этиш, таълим ва тарбия, ўқув жараёнида амалиётга қўллашга доир вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика радиоси, “Оила даврасида” ҳафтаномада мунтазам равишда диссертация илмий натижаларидан маънавий сабоқлари рукнида фойдаланилган. Шу билан бирга, “Оқ қўшиқлар” (2018 й.) монографиясидан ёшлар китобхонлиги тарғиботида фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Оила маркази ҳафтаномазининг 2019 йил 7 июндаги 01-61-сонли акти*). Натижада, таълим тизими ташкилий ва ёшлар тарбиясига доир тамойилларга илмий ёндашув, таълим ва тарбия технологияларини тартибга солишга қаратилган оилавий бағрикенглик тарбиясида зўравонликларнинг олдини олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация икки бора НамМТИ "Ижтимоий фанлар" кафедралараро қўшма йиғилишида муҳокама қилинган. “Толерантность в нравственном воспитании молодежи” монографияси Германия миллий ахборот ресурс каталогига киритилиши, “Гендер бағрикенглиги” БМТ танлови (2004), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” фонди гранти бўйича М.В.Ломоносов номли МДУ (2006), Россия Президенти Давлат хизмати академияси (2006, 28 март) илмий тўпламлари, РДППУ (2019)да стажировка даврида тадқиқотнинг синовлари ўтказилган. М.В.Ломоносов номидаги МДУнинг “Педагогика. Психология”, “Социологическое исследование” (2003, № 3-4), “Гуманитарий” (2016), “Алма-матер”(2019, №6), “Образование и наука”(2019, №2) “Фалсафа ва ҳуқуқ” каби журналлари, халқаро илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси доирасида 60 та мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган республика журналларида 16 та, хорижий илмий журналларда 10 та мақолалар эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида амалга оширилган тадқиқотнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, устувор илмий йўналишларга мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги асосланган. Шу билан бирга, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва илмий тадқиқотнинг тузилиши ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг **“Бағрикенглик маданиятининг вужудга келиши ва ривожининг назарий-методологик жиҳатлари”** деб номланган биринчи

бобида бағрикенглик маданиятининг мазмун-моҳияти, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳат ва хусусиятлари, ўзбек халқининг миллий-тарихий тараққиётида миллий-диний муросою мадора фалсафаси, фуқаролик жамиятининг ривожда кўпдинли ва кўпмиллатли жамиятда толерантлик маданияти ижтимоий барқарорлик омили сифатида ҳуқуқий-фалсафий, назарий ва услубий таҳлил қилинди. Республика илмий адабиётларидаги ўзбек халқининг миллий менталитети, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари толерантлик ва сабр-тоқат, муроса маданияти нуқтаи назаридан қиёсий талқин этилган.

Муаллиф фикрича, бу фуқаролик жамиятининг асосий қадрияти бўлса-да, лекин гуманитар фанларда иккиламчи, яъни сабр-тоқат ва муроса, бефарқлик маъноларида ўрганилган. Шу билан бирга, бағрикенглик сабр-тоқатлилиқ, чидамлилиқ маъноларида, яъни ўзга дин ва миллат вакилининг фикр-мулоҳазаларига сабр-тоқатлилиқ тамойили ҳисобланади. Диссертантнинг фикрича, шарқона бағрикенглик бир маконда турли-туман одамларнинг бирга яшаш тартибини ифодалаб, қадимги Хитой ва Ҳиндистон манбаларида ахлоқий маданиятнинг ижтимоий ҳаёт ва турмуш тарзи, синфий, миллий-диний ҳамжиҳатлик ахлоқи хусусида гувоҳлик беради. Ушбу ҳол Рим Республикасида барча мазҳаблар тенглиги, давлат солиғидан озод қилишга доир толерантлик ёндашувида ҳам кузатилган¹⁴. Бу либерал толерантликка асосланувчи Европа жамиятида қонун устуворлиги асосида инсон ҳуқуқи ҳимоясида ҳамкорлик муҳитини ҳосил қилишнинг сиёсий асосидир.

Фалсафий қомус ва луғатларда “tolerantia” атамаси венгер тиббиёт ходимлари инсон танасига ўзга одам организмини кўчириш ҳолатида иммунология туфайли организмда “бегона”нинг эл бўлиши, яъни “ўзгалик” хусусиятини ифодалаш учун муомалага киритилган. Бунда инсон танасига донорнинг бирор-бир органи кўчирилса, унинг янги муҳитда тана ва тўқималарга мослашув қобилияти тушунилган. Бу ҳол организмнинг атроф-муҳитнинг ташқи таъсирига қарши тура олишини ифодалаган. Мазкур моҳият ижтимоий маънода қўлланганда эса жамият ҳаётида одамларнинг дунёқараш, эътиқоди ёки фуқаролик позицияларида юз берадиган моддий ва маънавий мослашув, тенглик ва эркинлик, ижтимоий адолат каби ғоялар мувофиқлиги назарда тутилади. Ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан эса ижтимоий низо ва можароларда ўзгаларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам тинглаш, томонларнинг манфаатларига мос келишувига тайёрлик маъносида ҳам таърифланган¹⁵.

“Бағрикенглик” тушунчаси тадқиқотда дунёнинг умумийлиги, алоҳидалиги ва хусусийлигининг умуминсоний ва миллий жиҳатлари, бутунни қисм билан диалектик бирлиги “Толерантлик тамойиллари декларацияси” билан далилланган. Чунки Европа капитализми Конституция ва фуқаролик ҳуқуқларини эълон қилиш билан толерантликнинг расмий

¹⁴ Кушаев У. Жаҳон динларида бағрикенглик ғоялари –Т.: ТИУ, фалс. фан. док. дисс. автореф.-Т.: 2017. - Б.7.

¹⁵ Энциклопедический словарь. – М.: Энциклопедия, 1984. – С. 133; Политология: Энциклопедический словарь. – М.: 1993. – С. 222; Философский энциклопедический словарь. – М.: 1997. – С. 89.

ҳуқуқий пойдеворини шакллантирган¹⁶. Бу ҳол давлатга кўпчилик манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида озчиликнинг меъёрдан ташқарига чиқувчи хатти-ҳаракатини куч билан бостириш ҳуқуқини беради.

Бағрикенглик маданияти, муаллифнинг фикрича, рус олимлари томонидан қўлланилган “терпимость” ёки “лояльность” маъносидан анча кенгдир. Чунки атамада сабр-тоқатлилик ила бефарқликкина эмас, балки ўзга маданиятлар билан ҳамкорлик асосида маданиятларнинг бирлашуви ҳам ифодаланади. Зеро, толерантликда ҳуқуқий жиҳатларнинг устуворлиги, яъни, хулқ-атвор, давлат, жамият ва шахс муносабатларининг ҳуқуқий ҳамкорлик алоқалари мавжуд.

Диссертант “бағрикенглик” тушунчасида мутлақ сабр-тоқат, бефарқлик, бетарафлик мазмунидан ташқари, миллий манфаатларнинг фаол ҳимояси ҳам назарда тутилишини таъкидлайди. Чунки “фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат” тамойили давлат, жамият ва шахс муносабатларини умумлаштириши билан бирга, кўпчилик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани толерантликни ҳам назарда тутуди. Сабаби, инсон ҳуқуқларини сиёсий жиҳатдан тартибга солиш учун ижтимоий барқарорликка таҳдид ҳолатида қуролли зўравонликка қарши давлат қонун доирасида ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир. Шу боисдан миллий манфаатларни ҳимоя қилишда интолерантлик ҳам табиий ҳолатдир. Ўзбекистон Парламенти БМТнинг бир жинсли никоҳ, ноанъанавий жинсий мақсадларга доир халқаро қонунларга қўшилмаслик муносабати бунинг ошқора далили ҳисобланади.

Тадқиқотда миллий ғоя доирасида толерантликни “бағрикенглик” маъносида қабул қилиниши юзасидан таҳлилий мулоҳазалар илгари сурилган ва тушунчанинг хорижий манбаларда келтирилган ахлоқийлик мазмуни толерантликка тўла мос эмас, деган фикрга келинган. Шунга кўра, айният ва тафовут тамойиллари асосида сабр-тоқат, муросаю мадора миллий ахлоқий норма сифатида миллий-диний онгда илоҳий шукроналикка олиб келувчи мазмунга эгалиги эътироф этилади.

Муаллиф фикрича, “шарқона бағрикенглик” тушунчасида соғлом мантиқ ва маданият авлод-аждодлар, ота-она, фарзандлар орасида тақво, ҳалол-поклик, сахийлик, меҳмондўстлик, очиқ кўнгиллилик асосидаги меҳроқибат, одамгарчилик удумлари англанади. Сабр-тоқатлилик ижтимоий ҳаётда ҳамкорлик, яъни бирга яшаш маданияти сифатида исломий норма даражасида белгиланган. Шу боис, ўзбек тилидаги бағрикенглик толерантликнинг жиҳат ва хусусиятини ахлоқий ифодалайди. Толерантлик ҳуқуқ ва бурчда намоён бўлса, бағрикенгликда, аксинча, ахлоқий танлов ва ихтиёрийлик устувордир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланган муаллиф бағрикенглик - фалсафий-ҳуқуқий дунёқараш, яъни хатти-ҳаракат нормаларининг диалектикасига доир фикр ва ғоялар шакли, деган хулосага келади. Аммо сиёсатда бағрикенглик томонларнинг сиёсий қараш ва нуқтаи назарларини

¹⁶ Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси // Жамият ва бошқарув. -2004. -№1. – С. 5.

тўла ифодаламайди. Сиёсат соҳасида толерантлик муҳолиф фикри ёки фаолиятини тан олиш билан сиёсий босиқликни ифодалайди.

Миллий тарбияда “бағрикенглик” тушунчасининг муомалага киритилишини миллатнинг тарихан шаклланган фалсафа, ҳуқуқ, сиёсат, дин ва ахлоқнинг уйғунлигидаги маданияти деб ҳисоблаш мумкин. Айни вақтда, бағрикенглик ва бағритошлик нуқтаи назаридан қараганда ҳам у ҳуқуқий меъёр бўла олмайди. Бағрикенглик деганда, инсоннинг кенг феъллиги билан бирга унинг кўкрак қисми ҳам ифодаланган. Миллий оилавий этикетда бағрикенглик меҳр ёки ҳудудни назарда тутиб, “Фарзандим келиб, бағрим тўлиб қолди”, “Кел бағримга босайин, болам” каби ибораларда ифодаланган.

Муаллиф, бағрикенгликнинг моҳиятини раҳм-шафқат ила мурсога эришиш маъносида мураккаб ахлоқий ҳодиса, яъни диний, миллий, демографик муносабатлардаги ихтиёрийлик даражасидаги этика, деб ҳисоблайди. Ғарб жамиятининг либерализми эса ахлоқий бағрикенгликни қабул қила олмайди¹⁷.

Диссертацияда ислом бағрикенглик маданиятининг таърифи асосида хорижий ОАВда ислом террорчилик ва экстремизм манбаи ҳақидаги қарашларнинг асоссизлиги далилланган. Чунки экстремизм дунёнинг барча динлари вакилларида учрайди. Ислом дини асли бағрикенглик сабр-тоқат, мурсою мадора фалсафаси, тарихан тинчлик ва ҳамкорлик, ижтимоий бағрикенглик илми бўлиб келганлиги: “...Динда зўрлаш йўқ, зеро тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлади” каби асослар билан далилланади¹⁸.

Ислом динида сабр-тоқат, бағрикенглик Аллоҳнинг олдида барчанинг ижтимоий тенглиги асосида: “...Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир - бирингиз билан танишишингиз учун сизларни халқлар, қабилалар қилиб қўйдик...” каби меъёрларда ўрнатилган¹⁹. Бу ҳолдаги бағрикенглик шахснинг камтарин, сабр-тоқатли, ҳаёт ғам ва ташвишларида ўзгалар билан ҳамкорлик одобини назарда тутди. Шу боисдан ҳам, мулк, оила - никоҳ, талоқ, аёлнинг ҳуқуқ ва эрки, мерос расман белгилаб берилган²⁰. Демак, ислом бағрикенглиги қонун устуворлиги асосида шахснинг виждон эркинликлари билан давлат ва жамият манфаатларини уйғунлаштириб, “Сизга ўзингизнинг динингиз, менга ўзимнинг диним” тамойилида шахс ва жамиятнинг муносабатини меъёрлаштирган²¹.

Бағрикенглик одоби шариатда уч қисм, яъни ибодат (диний вазифалар) муамалат (ҳуқуқий нормалар) ва укубат (жиноят ҳуқуқи)га бўлинади. Айни вақтда, шахснинг фуқаролик мақомида бешта толерантлик меъёри белгиланган, яъни мажбурият, бажарилмаслиги жазоланувчи, тавсия этувчи, бажарилса яхши, бажарилмаса жазоланмаслик, рухсат этилган ҳаракатлар,

¹⁷ Griffel F. Apostasie und Toleranz im Islam. –Brill. 2000. -521 p; Roy O, Généalogie de l’islamisme -Paris, Hachette, 1995, -P. 10.

¹⁸ Қуръони карим/ А.Мансур таржима ва тафсири.-Т.: Тошкент ислом университети, 2009. –Б. 42.

¹⁹ Қуръони карим /А.Мансур таржима ва тафсири.-Т.: Тошкент ислом университети, 2009–Б. 517.

²⁰ Саидов А. Х. Шариат - эътиқод, маънавият ва ҳуқуқ бирлиги // Хўжалик ва ҳуқуқ. -1998.-№ 4-5.-Б.35; Ахмаджонов У.М. Институт собственности в мусульманском праве. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -М.: МГУ, 1983, -С. 46.

²¹ Қуръони карим / А.Мансур таржима ва тафсири.-Т.: Тошкент ислом университети, 2009. -С. 45.

огоҳлантурувчи, лекин жазоланмаслик, тақиқланган, яъни жазога гирифтор этилувчи ҳолатлар²². Қуръонда сабр-тоқат ва камтаринлик Аллоҳ сабр қилувчилар билан (8.48.) биргалигини таъкидлаш билан билдирилади.

Диссертант қарашларига кўра, исломда толерантлик миллий эмас, балки умуминсоний жиҳат ва хусусиятларни ўзида ифодалайди, яъни мусулмонлар дунёси бирга яшаш, муроса тамойилларига амал қилади. Зеро, муқаддас китобларда мусулмоннинг босқинчиликдан ўзини тийиши, ўзгаларнинг миллий-диний, мулкӣ – номулкӣ дахлсизлиги шахснинг иймон талабларида ҳам мустаҳкамлаган.

Мусулмон ҳуқуқи, яъни шариатда оила ва никоҳ, мол-мулк, қариндошлик ёки васийлик, меҳнат ва маъмурий ҳолатлар фуқароликнинг оқилона муроса тамойилларида ҳал этилади. Диссертация ижтимоий ҳуқуқ доирасида диний идора ва дунёвий ҳокимиятнинг ўзаро муносабатларини янада такомиллаштириш зарурлигини кўриб чиқади. Ислом ҳуқуқӣ маданияти ёндашуви терроризм, муросасизлик, зўравонлик ва жинойтнинг ҳақиқӣ сабабларини тушунишга ёрдам беради. Аини вақтда, бағрикенглик "одат"лари ҳам диний қонун ва ижтимоий-маданий меъёрларда назарда тутилади. Шу боис, Қуръон нафақат қонун, балки Марказий Осиё аҳолиси маданиятининг энг бой ёзма мероси, халқларнинг муроса, сабр-тоқатининг ҳуқуқӣ манбаидир²³.

Муаллиф А. Х. Саидовнинг бағрикенглик мусулмоннинг адолат билан шариатга биноан илоҳӣ ижтимоий ҳақиқати, ўзбек халқининг қўп миллатли "... ҳаётида дин муҳим роль ўйнаб, асосӣ аҳолиси мусулмон бўлган юртда насроний, яҳудий ва зардуштийлик вакилларининг ҳамкорлиги, яъни толерантлик ижтимоий тараққиётга таъсир қилган", деган хулосасини қўллаб-қувватлаган²⁴.

Юқоридагилардан бағрикенглик ижтимоий яшаш меъёрий маънавияти, кўпдинли ва миллатли шароитда ўзга миллат ва элатга тенглик ва эркинлик ила сабр-тоқатлилик, муросаю мадора умумӣ фаровонлик йўлида ҳамкорлик маданияти, деб хулоса қилиш мумкин. У умуминсоний ва миллий бўлиб, Европа индустриал жамиятида либерал-ҳуқуқӣ, шарқона турмушда эса консерватив-ахлоқӣ даражадаги ўзаро ҳурмат одобидир.

Тадқиқотнинг **"Экстремизм ва унинг ижтимоий барқарорлик ва хавфсизликка таъсири"** деб номланган иккинчи бобида МДХ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида фундаментализм ва экстремизмнинг моҳият-мазмуни, хусусиятларининг қиёсий таҳлили амалга оширилган. Шу билан бирга, МДХда "Ислом феномени", "Ислом уйғониш»и ҳолатини ижтимоий-иқтисодӣ, сиёсий жиҳат ва хусусиятларини илмӣ манбалар асосида ёритишга эришилган.

Тадқиқотда фундаментализм ғоялари фуқаролик жамиятида анъанавий

²² Қаранг: Ислам. Проблемы идеологии, право и политики. /Под ред. Г.Ф.Ким. -М.; Наука. 1985. -С.45; Ислам. Краткий справочник. – М.: Глав.ред. вост. лит. Наука, 1983. -С. 283 ва бошқ.

²³ Шарль Р. Мусульманское право /Под редакцией Беляева А. –М.: Госиздат, 1959. -С. 38; Климович Л. Книга о Коране. -М.: Наука (Гл. ред. вост. лит.), 1986. -С. 12.

²⁴ Хидоя: Комментарии мусульманского права. –Т.: Узбекистан, 1994. –С. 28.

динга мурасасизлик, зўравонлик ва террор туфайли келиб чиққанлиги ўрганилган. Муаллиф Марказий Осиё турмуш шароитида экстремизмга доир В.Арестовнинг қарашларини ривожлантириб, “экстремизм”да алоҳида ёки гуруҳли ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат билан бирга, ўзга дин ва миллат вакилларига нисбатан сабрсизлик ёки зўрликни ҳам тушунишни ёклаган²⁵. Дарҳақиқат, экстремизм фуқаролар орасида нафақат диний, балки ўзга низо ва можароларга олиб келувчи мурасасизлик ҳолати ҳисобланади.

Муаллиф фундаментализмни Араб халифати давридаги ижтимоий ҳаёт ва тартибни яна қайта тиклаш, замонавий ёшлар турмушига ўрта аср исломини “трансформация” қилишга уриниш мазмунида қиёсий таҳлил қилган. Ёшларни халифалик давлати ғоясига тортиш орқали конституцион тузумга ижтимоий таҳдид солиши очиб берилган. Чунки исломда ёшларни жангарилик –“радикализм” руҳида тарбиялаш, жамиятда "ҳақиқий ислом" тартибини ўрнатиш дастури хавфлидир. Исломий радикализм эса жамиятнинг сиёсий тизимини сиёсий ўзгартиришга қаратилган сиёсий ғоя ва ҳаракатларнинг вайронкор йўлидир.

Диссертант хорижий стратегик тадқиқотларга таяниб экстремистик диний ёки сиёсий зўравонлик, ўзгаларга даҳшат ва ваҳима солиш орқали ижтимоий ҳаётни издан чиқариш, ҳатто қон тўкилиши, тартибсизликлар тинч аҳоли турмуши ва миллий барқарорликка раҳна солишини экстремизмнинг жиҳат ва хусусиятларини минтақадаги радикализм ҳолати билан ижтимоий солиштирган²⁶.

Экстремизм, энг аввало, сиёсий ваҳима ва қўрқитиш асосида ижтимоий ҳаётни издан чиқариш, исломий турмуш тартибини фундаментал асосга қўйиш мақсадини кўзлайди. Муаллиф, қиёсий тажрибага таяниб, радикал диний вазиятнинг хусусият ва аломатларини гуруҳлаштирган:

экстремистик руҳдаги ноқонуний гуруҳлар тузиш, террористик ҳаракатларда ошқоралик, ташвиқот ва тарғиботнинг устуворлиги;

зўравонлик ва қўрқитишда шафқатсизлик, қўпоровчиликда ҳарбий воситалардан кенг фойдаланиш;

ўз ҳаракатларини юксак ахлоқийлик билан оқлаш, сиёсий ёки мафкуравий мақсадларга эришишда диний ақидапарастлик;

беғуноҳ одамлар, тинч аҳоли, ўзга шахсларга жиддий зарар етказиш;

террорчи идеологлар томонидан кучли рақибга қарши курашда ягона чора эканлиги билан ўзини оқлаш;

фуқаролик ҳолати ва мулоқотида ҳар қандай сабр-тоқат ва келишувни рад этиш, бағрикенглик, мулоқот, мурасани инкор қилиш.

Замонавий экстремизм географиясининг хусусияти, муаллифнинг фикрича, глобаллашув, халқаро ва минтақавий маконда муайян кучларнинг молиявий-моддий ёрдамида мафкуравий тарқалишидир. Шу сабабдан

²⁵ Арестов В.Н. Экстремизм: содержание причины и формы проявления, пути преодоления. –Харьков; изд. ХарГУ, 1987. – 187 с.

²⁶ Исламский экстремизм и фундаментализм как угроза национальной безопасности России: Научный отчет. – М.: 1995. –С.12.

бузгунчи ғояларнинг ҳомийлари сиёсий мақсадларини амалга оширишда минтақада экстремизмнинг ниқобланиши ёшларга ўта хавфлидир. Диссертацияда мазкур ниқоб “жиход” ғоясида бўлиши, диншунос А. Малашенконинг ёшлар орасида шариатга асосланган ислом давлати - “халифалик” бўлса-да, унинг мангулигига ўзлари ҳам ишонмаганлиги ғоясини қўллаб-қувватлаган²⁷.

Диссертацияда МДХ давлатлари таъсирида Ўзбекистонда диний ҳаракатлар авж олиши, диннинг оммавийлашуви, ундан ғаразли мақсадларда фойдаланишда ғоявий қулайлик, сиёсий мақсаднинг “жозибали ниқобланиши” асосланган. Тажриба минтақа ҳаётида ижтимоий муаммолар ечимида ислом дини ягона йўл эмаслигини, ёшларда иқтисодий, айниқса, чин исломий маърифатга эҳтиёж ортиб бораётганлигини тасдиқлади.

Диссертант фикрича, Ўзбекистонда фундаментализм тарихи ўтган асрнинг саксонинчи йиллари иккинчи ярмида бошланиб, бу "даъватчилар" ташвиқотининг илк босқичи эди. Бу босқични экстремистларнинг қўшни давлатлар, МДХнинг сиёсий воқеалари билан алоқадорликда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. 1989 йили Намангандаги Ота-Валихон Тўра масжиди очилиб, Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан вакиллар дин ниқобидаги экстремизм ғояларига жалб этилди. Бухоро Мир Араб мадрасасини тугатган, 1959 йилда туғилган имом-хатиб А. М. Барнаев малакали диний нотиклик билан "ёшларнинг алоҳида ҳаракати" - “Ўзбекистон ислом ҳаракати”га асос солди.

Муаллиф экстремизмнинг ёйилиши маҳаллий ҳокимият ва диний уламоларнинг пассивлиги, аслида лоқайдлигидан ўта хавфли ижтимоий таҳдид билан бирга инсон ва фуқаролик ҳуқуқларини бузиш, конституцион тузумга қарши жиноий гуруҳларни тузиш, ёшларни хорижда қўпоровчиликка ўқитиш таҳдидли тус олишига дилиллар келтирган. 1991 йилда Бокудаги "Тавба" экстремистик ташкилотининг Наманган филиали таъсис этилиб, вилоятда ошкора “Ҳизб ут-Тахрир ал-Исломи” фаолият бошланди. Муаллиф проф. Л. Васильевнинг ислом фундаментализмининг агрессияси ўтиш даври ижтимоий мураккаблиги шароитида ўзига хос ижтимоий ҳодиса эканлиги тўғрисидаги фикрига қўшилган²⁸. Маҳаллий манбалар хроникасида экстремизм Т.Йўлдошев ва Ж.Ҳожиёвнинг қўшилиши билан конституцион тузумга қарши фаолият, Ўзбекистон биринчи Президентига талаб қўйиш билан янада кескин тус олди. 1991 йил декабрь воқеалари конституцион тузумга таҳдид, давлат бошлиғига зўравонлик билан сиёсий экстремизм ҳолатига ўтди²⁹.

Минтақадаги экстремизмнинг хусусияти жиход ғояси бўлиб, ёшлар орасида кофирларга қарши исломий уруш мазмунидаги тарғибот кузатилди. Шу маънода француз олими Ж.Кепель тадқиқотига таяниб, Куала Лумпурдан Саудия Арабистонигача аҳоли орасида жиход ислом душманларига қарши қуролли кураш, деб тушунилишига эътибор қаратган. Жиход комиллик

²⁷ Кепель Ж. Джихад: Экспансия и закат исламизма - М.: Ладомир. 2004. - С.292.

²⁸ Васильев Л.С. История религий Востока. - М.: Университет, 1999. - С. 409.

²⁹ Калигулаев М. Дорога к смерти, больше, чем смерть. – Волферамтон: Черный квадрат. 2005. - С. 25.

йўлидаги шахснинг ўз салбий иллатларидан халос бўлишдаги маънавий кураши каби жиҳатларини бузиб талқин этилгани асосланган.

Афғонистон ва Тожикистон можароларининг Ўзбекистонга таъсири Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун туманлари, Қирғизистоннинг Боткен воқеаларида ўз ифодасини топди. Шунингдек, тадқиқотда аналогик жиҳод ҳақидаги таъриф ва фикрлар илмий адабиётлар воситасида таҳлил қилинган³⁰.

Ўзбекистонда экстремизм тўлақонли ислом маданияти ва маърифатининг етишмаслиги туфайли сиёсий кучларнинг ноқонуний қуролли гуруҳлар ёрдамида террор билан конституциявий тузумга қарши ҳокимиятни қўлга олиш учун қуролли ҳаракатларда ифодаланди. Шу маънода бағрикенглик маданиятини исломий радикализм ва худбинликнинг олдини олишнинг муқобили деб ҳисоблаймиз. Тадқиқотчи мусулмон мафкуравий саводхонлиги диний ибодатларни маърифий ташкили орқали соғлом диний вазиятда ёшларнинг динга муносабатини тарбиялаш эҳтиёжини эътироф этган. Ислом маърифати бағрикенглик, сабр-тоқат, муросаи мадора, меҳр-мурувватлилик маънавияти ила юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлик мафкурасини тарбиялайди.

Диссертацияда экстремизмнинг намоён бўлишида қиёсий фалсафий-ҳуқуқий таҳлиллари МДХ давлатлари мисолида миллий турмуш тарзи яқинлиги билан изоҳланса-да, ўзига хослигига ҳам эътибор қаратилган. Муаллиф республикада экстремистик, террорчилик ҳаракатларининг ўзаро қиёсий социологиясини амалга оширган. Доғистон ва Тожикистонда радикаллашув юқорилиги, Фарғона водийси ёшларида эса мўътадил диндорлик ила зўравонлик ва қотилликдан тийилиш кузатилган.

Муаллиф Ўзбекистонда экстремизм Тожикистон ва Доғистондаги диний вазият билан солиштиришда глобаллик ва минтақавий экстремистик жиҳат ва хусусият исломнинг оммавийлашуви, диний уламолар “авторитет”га айланиши, масжидларни аҳоли ҳудудий диний ташкилотига тортилишини таҳлил қилган. МДХ давлатларида ҳокимият тизими, ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида диний экстремистларнинг бошқарувда ташаббусни қўлга олишга интилишида намоён бўлди. Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимият вакилларининг диний вазият назоратида зарур қарорларни қабул қилиш, бошқарув амалиётида тажрибасизлиги ҳам асосланган. Натижада, Ўзбекистонда экстремистик кучлар ташаббусни қўлга олиб, мамлакатда тартибсизлик, қонли тўқнашувларга сабаб бўлгани таҳлилларда ўз сиёсий тавсифини топган. Муаллиф фикрича, марксизм ва ислом ахлоқи уйғунлиги кам таъминланган оилалардаги ёшлар учун экстремизм ўзига хос “ижтимоий терапия” ролини ўйнади³¹.

Анъанавий исломда диний оқимларнинг пайдо бўлиши, ноанъанавий секталарга бўлиниш диний уламоларнинг диний вазиятни назорат қилолмаслиги, ёшларнинг мустақил тараққиёт туфайли диний маърифатга бўлган қизиқишини қондирилмаслик туфайли вужудга келиши, ички ва

³⁰ Кепель Ж. Джихад: Экспансия и закат исламизма - М.: Ладомир. 2004. - С.36-76.

³¹ Дидье Шодэ. Корни джихадизма в Узбекистане. // Сайт ИНТЕРНЕТа: www.ifri.org (Обращение 28.12.19.).

ташқи, объектив ва субъектив омилларни муаллиф илмий манбалар билан далиллаган³². Ёшлар орасида мустақиллик ва исломий тараққиёт йўлини айнан тушуниш ҳолати ҳам кузатилган.

Фарғона водийсида экстремизм пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий илдизларини аниқлашда мазкур қиёсий изланишлар ўзини оқлайди. Жамият ривожиди диндорликнинг мураккаблашуви ўзига хос қонуният бўлиб, унинг кучайиш профилактикаси мазкур тадқиқотнинг муҳим жиҳатидир. Шунинг учун дин ниқобидаги экстремизмга қарши туриш иммунитетини миллий хусусиятга эга бўлиб, давлатнинг таълим тизимида фуқаролик тарбиясининг ижтимоий сиёсат даражасида қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бу тизим халқаро, минтақавий, алоҳида олинган давлат кесимида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ила “Жаҳолатга қарши– маърифат”нинг жамоавий курашини талаб этиши олға сурилган.

Учинчи боб **"Фарғона водийсида фундаментализмнинг вужудга келиши ва ривожланиш хусусиятлари"**га бағишланиб, водийнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётининг таҳлил ва талқини асосида Ўзбекистонда экстремизмнинг намоён бўлиш ҳолатлари водий вилоятлари мисолида алоҳидалик тамойилида кўриб чиқилган. "Экстремизм"нинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлишида муаллиф ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатларининг тадқиқини минтақавий манзилли ўтказиши муҳим жиҳатидир. “Адолат”, “Ислом лашкарлари” ва акромийликни ўрганишда “ислом пуританизми”, фундаментализм нуқтаи назаридан илмий методологик ёндашув асосида қуйидаги жиҳатлар гуруҳлаштирилган:

биринчидан, ислом - ўзга динлардан фарқли инсон ҳаётининг барча соҳаларини тўла қамраб олиши, яъни у нафақат эътиқод, балки ҳаётнинг турмуш тарзи, оддий маданий ва сиёсий тартиб, шариат эса одамларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлари йиғиндисидир. Бу ҳол исломни поклаш орқали экстремизм, яъни ислом фундаментализмига муаммолар ечими ва тараққиёт ғояси сифатида тарғиб этишни қулайлаштираган. Ислом Марказий Осиё халқларининг ижтимоий ҳаётида нафақат маданият, илм-фан, таълим, диний тизим, балки ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни бирлаштирувчи қудратли куч эканлиги таъкидланган;

иккинчидан, панисломизм ғоясида дунёнинг барча мусулмонларига минтақа мусулмонларини ҳам бирлаштириш орқали дунё мусулмонларини ижтимоий-маданий фарқларидан қатъи назар Муҳаммад умматларидан эканлигига ишонтиришдир. Бу ҳол неоваҳҳобийликнинг асосий таълимоти – пуританизм, яъни "соф исломни тиклаш учун ибодатлардаги бидъатлардан поклаш"ни стратегик тарғибот асосида шакллантирди. Муаллиф шарқшунос олимларнинг экстремистлар дунёда ҳукмронлик учун халифалик давлати ва сиёсий тизимини идеаллаштириш орқали “жангари исломий лашкарни”ни

³² Бабаджанов Б. Комилов М. Развитие религиозной ситуации в Ферганской долине: проблемы и перспективы // Общественное мнение. Права человека. –Т.: 2000. –№1-2, –С. 96-98.

тайёрлашга интилиши хусусидаги фикри билан ишни далиллаган³³.

учинчидан, экстремистларга кўшилмаган “дахрий”, ўзга диндагилар эса душман ҳисобланиши толерантликнинг яна бир заруриятидир. Уларнинг назария ва амалиёти Аллоҳнинг мутлақ ҳокимияти, илоҳий топшириқни бажариш қатъийлиги ёшлар онгида “жиҳод” ғоясини шакллантирди. Айни вақтда, Қуръоннинг ёшларга нотўғри тафсирлари ҳам жиҳодни фанатик даражада асослашга эришди. Бу ҳолда неоваҳҳобийликнинг олдини олишда ислом ақидаларидан фойдаланиш орқали исломнинг умуминсоний гуманистик ғоялари, бағрикенгликда миллий қадриятларга садоқат, шахснинг ўз яқинларига меҳр-мухаббати исломий мутаассибликдан муҳофазаланиш билан давлат хавфсизлигини таъминлашга эришиш мумкин³⁴;

тўртинчидан, “Адолат” ва “Ислом лашкарлари”нинг жангарилиги ёшларнинг муқаддас жой ва шахсларга сиғинишини тақиқлаб, ҳатто Муҳаммад алайҳиссаломга эътиқод қилишга қаршилиги билан ижтимоий хавфлидир. Бу ҳол, муаллиф фикрича, ёшларда фақат Аллоҳга сиғиниш, пайғамбарга эҳтиромдан тийилиш ғояси орқали Қуръони каримга ҳам шубҳа уйғотиши шахсни манқуртликка ундашини фалсафий таҳлил қилган.

Экстремизмнинг Фарғона водийсидаги ўқ илдизи ўлкадаги демографик муаммоларнинг кескинлиги, Шўро режими атеизмига қарши ўзига хос “реванш” туйғулари билан ҳам изоҳланган. Миллий тикланиш, маънавиятга янгича муносабат шароитида исломнинг эркинлиги мазмунида омма томонидан ғайри тушуниш ҳам ёшларни диний оқимларга тортди.

Жамиятни демократик ислоҳотларида сиёсий ҳаракатлар жараёнига диний-сиёсий оқимларни уйғунлашуви фундаментализмнинг сабабларидан биридир. Диссертант Наманганда фундаментализмни аҳолининг савдо-тижорат, тадбиркорлик, хусусий сектор вакилларининг ташаббуси зиёлиларнинг кўмагида фаолият бошлаши билан изоҳлайди. Наманганда ҳаракат 1985 йилдан сўнгра “даъватчилар”, ўнг қанот эса “жанговар” гуруҳ сифатида бошланган. Марказий блок эса мусулмон давлатлари сиёсий дастурлари билан ҳамкорликда иш юритганлиги манбалар гувоҳлигида асосланган.

Муаллиф хорижий давлатларнинг ўлкада экстремизмни молиявий-ғоявий қўллаб-қувватлаганлигини ҳам асослаган. 1989 йили Наманганда Ота-Валихон Тура масжиди экстремизмнинг бош қароргоҳи - штабига айлантирилди. Штабнинг ўнг қаноти босқинчилик асосида экстремизмнинг молиявий пойдеворини яратиши аниқланган. Шу билан бирга, террорчилик ҳаракатлари юртимизда конституцион тузумга қарши дастурга Т. Йўлдошев, Ҳожиёвлар Ўзбекистонда ислом ҳаракатининг ташкилий-ғоявий раҳнамолигида янада хавфли тус олди.

Тадқиқотчи Фарғона водийсида экстремизм ҳаракатининг келиб чиқиши жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётидаги инқироз,

³³См: Кепель Ж. Джихад: Экспансия и закат исламизма –М.: Ладомир. 2004. –С.6-46; Наумкин В.В. Исламский терроризм в регионе Большой Центральной Азии: "аль-каидизация" узбекского джихадизма, - Париж. 2008. –С 11.

³⁴ Roy O, Généalogiedel’islamisme -Paris, Hachette, 1995. -P. 101.

иккинчидан, ислом динининг ижтимоий трансформацияси, яъни ислоҳ қилишга эҳтиёжни қондиришга интилиш деб ҳисоблаган. Чунки ислом динида ёшларни алоҳида секта – масжидга бўлиниши, ислом ибодатларини ислоҳ қилиш объектив ва субъектив омилларга эгаллигини ҳам ёдда тутган. Наманган экстремизм учун танланган қулай геополитик маконлиги, Афғонистонга яқинлиги, ислом диний вазиятини радикаллашуви осонлиги, аҳолини диндорликка майли ҳам ўзига хос детерминизмни ҳосил қилган. Аналогик илмий тадқиқотлар хорижий тадқиқотларда ҳам амалга оширилган³⁵.

Диссертация Наманганда диний фундаментализмнинг террорчилик ҳаракатлари исломий уйғониш билан бирга, Афғонистондан моддий-молиявий ёрдамлар олиш, уларни кўпорувчилик мактабларида жангариликка тайёрлаш, Тожикистондан эмиссарларни доимий “штаб”даги йиғилишлардаги иштироки ҳам эътиборга олинган. Муаллиф ёшларни бегона ғоя ва амаллардан ҳимоялашда уларни қуролга романтик ҳарбийлик қизиқувчанлигини, “Адолат”, “Ислом лашкарлари” ташкилотларини норасмий куч сифатида фаолиятини манбалар билан далиллаган.

Фарғона водийсида Наманган аҳолисининг диний маърифати ва таълим даражаси юқорилигидан иш масжидлар қуришдан бошланди. Ташаббускор гуруҳлар масжид қуриш ишига аҳоли билан бирга, давлат ташкилотларининг молиявий маблағларини ҳам жалб этишга эришган. Ноқонуний мусулмон масжидлар қурилишида маъмурий ва жиноий ҳаракатлар Ўзбекистон ҳукуматининг Олий Мажлисга ҳисоботида ҳам ўз аксини топган³⁶. Диссертант масжидлар ўзига хос ваҳҳобийликнинг ижтимоий кўрғони сифатида 1991 йилда Наманган шаҳрида учта масжиддан қисқа муддатда 40 тага ортиши, масжидлар неоваҳҳобийлик тарғиботида асосий восита бўлгани асослаган. Масжид имомларининг кўпчилиги жиноий ўтмишга эга ёки неоваҳҳобийликка тарафдор эди.

Диссертант дин ниқобидаги экстремизмнинг ёшлар орасида оммавийлашуви илдизини давлат бошлиғининг асарларидаги детерминантлар асосида ҳам далиллаган. Шу билан бирга, тадқиқотда аҳолининг умумий турмушидаги ночорлик, ижтимоий-демографик муаммолар ҳал этилмаганлиги, демографик ўсишнинг юқорилиги, оилавий турмушда ўзига хос шарт-шароитнинг мураккабликлари ҳам алоҳида эътироф этилган. Дарҳақиқат, Наманган шаҳри аҳолиси шу даврда Андижон ва Самарқанддан ўтиб, республикада аҳолиси кўплиги бўйича иккинчи ўринга чиқди. Шарқшунос олим В.Наумкин аҳоли турмушидаги консерватив ҳолатнинг сақланиб қолиши, тиббий маърифатга эҳтиёж диндорликнинг фаоллашуви, фундаменлизмга эса бифарқликни ижтимоий омили деган фикри ишда қўллаб-қувватланган³⁷.

Аҳолининг демографик ўсиши ижтимоий-иқтисодий аҳволни, айниқса,

³⁵ Charara W., Domont F. Le Hezbollah, un mouvement islamo-nationaliste -Paris, Fayard, 2004. -P. 167.

³⁶ Каримов И.А. Олий Мажлиснинг XI сессиясидаги маъруза // Правда Востока. - 2003. -24 апрель.

³⁷ Наумкин В.В. Исламский терроризм в регионе Большой Центральной Азии: "аль-каидизация" узбекского джихадизма, -Париж. 2008. - С.117.

озиқ-овқат, уй-жой, бандлик муаммоларини жиддий ёмонлаштирди. Фарғона водийсида ишсизлик одатий ҳолга айланиб, фуқароларнинг ижтимоий ночорлик ҳолати эътироф этилди. Тадқиқотлар 6 минг нафардан ортиқ ишчи фақат Наманган ипак мато фабрикасида мажбурий таътилга чиқиши, 3000 дан ортиқ ишчи билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши билан далолатланган. Натижада, меҳнатга лаёқатли вилоят аҳолисининг 80 – 85 фоизида бандлик муаммоси ёшларнинг ижтимоий кайфият ва мўлжалларига таъсир этган.

Муаллиф экстремизмнинг водийда тарқалишини ташқи омилларини ҳам ёдда тутиш, узоқ ва яқин хорижий давлатлар билан алоқаларнинг очилиши, Марказий Осиёни ўз ғоявий таъсирига тортишга интилган кучлар ҳам мавжудлиги хайрия фондларининг фаолияти мисолида таҳлил этилган. Натижада, водий шаҳарларида экстремистик руҳдаги адабиётлар, жумладан, "Ал-ваъй" журнали, Т.Набахонийнинг "Ислом кодекси" ёшлар ўртасида тарқатилган. "Ҳизб ут-таҳрир ал-Исломи" сиёсий партиясининг "Исломий давлат", "Халифалик" каби нашрлари тарқатилиб, ёшларга хорижий лагерларда таълим олиш учун моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилган³⁸. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Афғонистон ва Тожикистондаги диверсион лагерларда Фарғона водийси ёшларидан жангари лашкарлар тузилганлигини тасдиқловчи маълумотларни ойдинлаштирди.

Диссертацияда неоваҳҳобийликнинг тарқалишида хотин-қизлар омили ҳам алоҳида таҳлил этилган. Зеро, хотин-қизлардаги сохта салафийлик ижтимоий-иқтисодий, маданий омиллар билан бирга, гендер жиҳатларида ҳам кузатилган. Социологик сўровларда иштирок этган аёлларнинг улуши эркакларникидан юқорироқ бўлиб, 14 % иштирокчилар ислом ибодатларини бажо этиш заруриятини таъкидлаган. Республика прокуратураси оиласида уч фарзанд ва эрини ташлаб, экстремизмга қўшилиб кетган Мулла Кудунг ҚФЙда яшовчи аёлни аниқлаган. Бу аёл бошқа бир эркакка ўзини никоҳлашга ҳам розилик билдирган. Ўзга бир ҳолатда, университет талабаси ҳужрада диний таълим олиб, ота-онасидан ҳам воз кечган. Масала марказий матбуотда ҳам муҳокама этилди³⁹.

1996 йилдаги ўқувчиларнинг жума намозларида фаол иштироки, қизлар эса мактаб таълимидан тийилишида кузатилган. Эътироф этиш лозимки, аёлларнинг эркакларга қараганда экстремизмга мойиллиги, уларнинг психологиясида араб тили саводхонлиги орқали диний тақвога ўтишда ифодаланган. Уларнинг оилавий муаммолари, яъни ёлғиз ёки ногиронлик, қизлар орасида ижтимоий омадсизлик ҳам экстремизмга жалб этган. Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда “янги уламолар” исломий тантана ва маросимларни камхаржлаштириш, байрам ва дафн маросимларини соддаштириш каби “жозибали тарғиботи” ила аёлларни ўзига торта олган.

Диссертацияда Акримийлик ҳаракати ислом динининг ислоҳида ўзига хос либераллиги билан алоҳида йўналиш экани

³⁸ Wiktorowich Q. Anatomy of the Salafi Movement //Studies in Conflict and Terrorism, -Т. 29, №3, -С.209.

³⁹ Прокуратура обвиняет// Народное слов. -1998. -5 май.

ёритилган. Неоваҳхобийлардан фарқли ўлароқ, улар нафақат диний ҳаракат, балки кучли иқтисодий ва сиёсий экстремизм мактаби бўлиб, ўзининг назария ва амалиётига эгадир. Унинг ўзига хослиги “Адолат” ва “Ислом лашкарлари”дан фарқли энг радикал консерватив қарашлари ижтимоий дастурини ишлаб чиққан. Улар исломий мафқурани жиддий ислоҳ этиш учун ревизия йўлида исломнинг бир қатор ибодат ва маросимларини ижтимоий муомаладан чиқариш тарафдоридир. Акримийлик мафқураси пуританизм ғоялари остида исломни асл илк ҳолатига қайтариш учун кейинги даврларда қўшилган ибодатлардан тозалашдир. Шу боис, Акримийлик тарафдорлари, неоваҳхобийлардан фарқли равишда босқичма-босқич йўл билан сиёсий мухолифларига нисбатан эътиқод ва ибодатда жиҳодга мойилдир. Ғарб олимлари амалиётда экстремистлар ўз мақсадларига эришиш учун ўта шафқатсиз йўллардан ҳам қайтмаслиги, террористик ҳаракатларни амалга оширишга тайёрлиги ўрганилган⁴⁰.

Муаллиф илмий тадқиқот жараёнида ёшлар орасида жиҳод ғоясига қўшилмаслик, Акримийлик ҳаракати Фарғона водийсининг диний ҳаётидан кўра, Зарафшон воҳаси вилоятларида ҳам тарқалганлигини кузатган. Чунки, тадқиқотларда иштирок этган 1350 нафар респондентдан фақат 12 %и жиҳодни террористик ҳаракат маъносида ёқлаган. Сўралганларнинг катта қисми бўлса жиҳодни кофирларга қарши уруш маъносида тушуниб, замонавий ҳаётда ёвузлик деб ҳисоблаган.

Тадқиқотда Фарғона водийси шароитида диний ақидапарастликнинг олдини олиш ижтимоий-иқтисодий, маданий ислоҳотлар билан толерантлик муҳитининг яратилишини туфайли аҳоли Ўзбекистон Республикаси Президентигача ўз мурожаатлари билан чиқиб, ўз муаммоларни ҳал этиш имкони яратилиши ижобий ҳодиса деб эътироф этган. Ёшлар Иттифоқининг фаолияти туфайли бир қатор муаммолар ўз ечимини топиб, ёшлар орасида ижодкорлик ва тадбиркорлик ташаббуслари ижтимоий муҳитни жиддий соғломлаштираётгани таъкидланган.

Тадқиқотнинг **"Жамиятнинг толерантлиги негизида экстремизмнинг олдини олишнинг самарали усул ва воситаларини шакллантириш муаммолари"** номли тўртинчи бобда давлатнинг динга, диндорларга, диний ташкилотларга муносабатининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш билан ёшларда бағрикенглик фазилатларини тарбиялаш орқали экстремизмга қарши комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш амалга оширилган. Бу ёндашувда муаллиф экстремизм профилактикасининг давомийлиги, давлат ва дин ҳамкорлигида истиқболли стратегияни ишлаб чиқиш, маънавий-маърифий ишлар ижобий ютуқларини янада ривожлантириш, камчилик ва нуқсонлардан тўғри илмий хулосалар қилиш заруриятини асослаган.

Динамик барқарор тараққиётда "Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун"лиги тамойили ҳокимиятнинг барча бўғинларида "... фуқароларнинг қонуний мурожаатларини қисқа муддатда.... ҳал этишни таъминлашдир. Бу

⁴⁰ Sageman M. Leaderless Jihad. - Philadelphia, University of Pennsylvania Press, 2008. –P 23.

борада... кампаниябозликни.....халқ ҳеч қачон кечирмайди!" ғояси дастуриламалдир. Чунки экстремизмга қарши кураш мантиқан инсонга ғамхўрлик, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш орқали янги ташаббусларга ёрдамни таъминлашдан иборат.

Муаллиф масжидга инсон маънавиятини юксалишида муҳим ижтимоий -тарбиявий институт, тарбияда ўзига хос омил сифатида қараши новацион ёндашувдир. Одатда, масжид ўзининг юқори даражадаги исломий маърифати ва тақво ибодати билан аҳолининг катта қисмини жамлаш қувватига эгадир. Шу билан бирга, масжид ўзининг молиявий мустақиллиги, муайян даражада мулки билан фуқаролик муомала лаёқатига ҳам эгадир. Кўп ҳолларда масжид миллий-тарихий анъана, урф-одат ва маросимларнинг авлоддан авлодга ўтишининг ягона конверсион механизмидир. Бироқ бу амалиётда иқтисодий ҳаёт кўп жиҳатдан аҳоли ҳаётининг моҳиятини дунёвийлик томонига тортади, деҳқончилик мавсумий даврида ибодатга келувчилар сони камайиши кузатилди.

Ўзбекистон ҳукумати динга халқнинг маънавий маданияти, умуминсоний ва миллий қадрият сифатида эътибор қаратмоқда. Диний ташкилотларнинг маърифати жамиятнинг маънавий янгилашиши, ёшларни юксак ахлоқий анъаналар руҳида тарбиялашда давлат билан ҳамкорлиги экстремизм профилактикасида беқиёсдир. Давлат ва дин муносабатлари диалектикаси тарихан ўта нозик бўлиб, давлат халқнинг ҳокимиятчилиги, дин эса унинг маънавий ҳаёти сифатида талқин этилган.

Бу ҳол бошқариш ва бўйсунуш, уларни бир-биридан ажратиш, алоқаларни адолатли ўрнатиш ижтимоий тартиб ва бошқарувнинг муҳим муаммоси ҳисобланади. Давлат реал халқ ҳокимиятчилигини ифодаласа, дин жамиятнинг маънавий кучи билан диалектик ўзаро боғланган. Шу маънода француз исломшунос олими Оливье Руанинг: “Қонун икки томонлама бузилади: давлат, одатда, очикчасига диний ишларга аралашуши ёки ижтимоий ҳаётда секуляризмни оммавий қадрият деб эълон қилиши республика фуқароларида ҳамжиҳатлик учун келишувга бориши шарт, деган фикрини табиий мантиқ деб ҳисоблаган⁴¹.

Ҳаракатлар стратегиясининг инсонпарварлиги, ҳар бир кишига ижтимоий-маданий ҳаётда тенг имкониятларни яратиш орқали муносиб турмушни таъминлашни кўзда тутди. Муаллиф айнан шу маънода фуқароларнинг миллий-диний муносабатларида бағрикенгликни тартибга солиш, муроса ва мадора алоқа маърифатини тарбиялаш экстремизмга қарши туриш эффекти, яъни шарти деб таъкидлайди.

Диний фаолиятда эркинлик ислом Низоми ва ақидаларида бўлиши услубий аҳамият касб этади. Мусулмон уламолари масжиддаги ибодатни Аллоҳга тақвонинг олий шакли, маънавий покланишнинг энг мақбул диний қоидаси қилиб қўйган. Фуқаролар жамоавий ибодат, расм-русумлар, маросим ва тантаналарни биргаликда амалга ошириш учун масжиддан ўзига хос макон сифатида фойдаланадилар. Республикамизда 2024та диний ташкилот

⁴¹ Руа О. Для Франции ислам не представляет какой-то особой проблемы... // Иностранная литература -2006. -№ 9. -С. 119.

рўйхатга олиниб, шундан 2039 таси - ислом, 175дан ортиғи -бошқа диний уюшма ва бирлашмалардир. Масжид миллий бирлик ғоялари руҳида аҳоли онгини шакллантирса-да, лекин мусулмонларнинг манфаатларини ифода этувчи маънавий-ғоявий ташкилотдир. Масжиднинг маълум сиёсий хусусият ва потенциалини тан олган ҳолда ҳаётнинг сиёсий доирасидан ташқарида тура олмаслиги ҳам тадқиқотда эътироф этилган. Зеро, масжидга яқинлик фуқаронинг диндорликка яқинлигининг меъёри эканлиги тасдиқланди.

Муаллиф диний ранг-баранглик ҳолатида бирор динни монопол ҳуқуқи йўқлиги, ўзга динларнинг ҳуқуқларини чеклай олмаслиги туфайли динда толерантликни муҳим иш деб ҳисоблайди. Чунки, бир диннинг тан олиниши билан иккинчи дин мавқеи пасайиши, ижтимоий адолат тамойиллари бузилиши илмий асосланган⁴².

Ўзбекистонда янгилашиш дин, диний ташкилотлар ва диндорларга нисбатан давлат сиёсатини тубдан ислоҳ этиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш ёшларда фаолликни оширишни назарда тутди. Муаллиф шу маънода ҳукуматимизнинг Ҳаракатлар стратегиясидаги дин соҳаси йўналишларини қуйидагича гуруҳлаштирган:

биринчидан, дин ва давлат яхлит ижтимоий маданиятнинг алоҳида қисмлари бўлиб, улар айнанлик ва тафовут хусусиятларига эга;

иккинчидан, қонунийлик дин ва давлат демократиясининг контекстида мавжуддир. Диний мафкура жамиятнинг сиёсий тизимига мувофиқ, лекин давлатнинг сиёсий ҳаётига аралашмайди. Аини вақтда, давлатнинг диний ташкилотлар фаолиятига аралашмаслиги ҳам муҳимдир;

учинчидан, давлат ва диний ташкилотлар цивилизация эришган энг эзгу қадриятларга – халқнинг фаровонлиги учун барча манфаатларнинг маърифий ҳимоясига хизмат қилади;

тўртинчидан, инсон ва унинг манфаатлари олий қадр топиши шахсий ва ижтимоий тартибга таяниб, бозор муносабатлари шароитида қонунийлик ҳар бир фуқаронинг яшаш меъёри ва одобига айланишини ифодалайди;

бешинчидан, замонавий тараққиётда давлат ва дин муносабатларининг асоси аҳоли, айниқса, ёшлар орасида диний бағрикенглик маърифати, ўзаро мулоқот(диалог), тарбиявий ҳамкорликнинг янги усулларини ишлаб чиқишдир. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳукумати диний ташкилотларга доир сиёсатда миллий манфаатлар ва бағрикенглик тамойиллари, яъни Марказий Осиё маданиятлар учрашуви, турли-туман миллат, элатлар ва динлар ҳамжиҳат яшаган макон бўлганлиги асосланган⁴³.

Тадқиқотда экстремизмга қарши туриш эффеќтига ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳам илмий-амалий аҳамиятга эғалиги ёритилган. Чунки ҳуқуқий саводхон ёшлар ижтимоий жиҳатдан фаол бўлиб, аҳоли орасида диндорлик билан боғлиқ муносабатлар ўз ўрнида ечимини топиш орқали бузғунчи ғоялардан муҳофазаланишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга амалий кўмак беради. Ёшлар динга бўлган қизиқишини аниқ, асл манбалардан қондириши, ислом ҳақида соғлом фикр ва қарашларга эға

⁴² Вагапов В.М. Ваххабизм: история и современность. –Махачкала, -2000. –С. 18-22.

⁴³ Мухаметчина А. Мусульманская молодежь в Германии // Ислам в современной России, -2012,-№3-4.-С.93.

бўлиши услубий заруриятдир.

Диссертант экстремизм профилактикасида виждон эркинлигига урғу бериб, ёшлар ҳаётида ўз-ўзини назоратига таълим ва тарбия омили сифатида эътибор берган. Одатда, «виждонга мувофиқ яшаш шахсинг чуқур ахлоқий эътиқодга эгаллигини» англатади. Диссертант фикрича, виждон ва эътиқод ахлоқий бўлиб, ташқи таъсирга жавоб қобилиятидир. Бу ҳол ёшларда виждон ва эътиқод, иймон тарбиясида таълим-тарбия уйғунлиги баҳсли эканлигидан ҳуқуқий базага эҳтиёж мавжуд. Негаки, ёшлар диний таълимда виждонга нисбатан эътиқод ва иймон устуворлигига интилиши натижасида ёшларни ҳужраларга жалб этиш кўпаймоқда. Бу ҳол ижтимоий онгда соғлом иймонни шакллантириш баҳонасида экстремизмга мувофиқ маърифий тарбия ҳисобланади. Тадқиқотда, шунингдек, жамоатчилик иштирокининг янада янги йўналишларини шакллантириш орқали диний жамоалардаги фирқачиликни бартараф этишда тарбия тизимининг ўрни асосланган:

мураккаб сиёсий вазият ғоявий тарбияда диндан фойдаланишга уриниш, муқаддас қадриятларга дахл қилишнинг олдини олишни ҳам назарда тутди. Зеро, "диний мутассибликка оғиш" ёки диний девиантликнинг моҳияти, уни бартараф этиш диний ташкилотлар фаол назорати фундаментализмдан асрайди;

диний маърифат ёшларнинг динга соғлом эътиқодини шакллантириш ила толерантлик позициясини мустаҳкамлаб, диний террор ва худбинликка қарши туришга имкон беради;

давлат ва жамият ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ғояларини, ижтимоий бошқарувда адолат ўрнатиши билан аҳоли орасида янгича ижтимоий муносабатларни шакллантирмоқда. Диний тарбия-оилавий иш, яъни фарзандларга диний тарбия ота-оналар вазифаси бўлиб, оиладан ташқаридаги таълимда қонунийликнинг ўрнатилиши муҳимдир.

Диссертант бағрикенгликнинг ахлоқий маданиятига таяниб, тарбиявий ишларда айрим камчилик ва нуқсонлар, замонавий ёшларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини ўрганишга, ёшлар билан ишлашда Ёшлар Иттифоқи раҳбар кадрларининг ҳам мақсадли тарбияга муҳтожлиги сиёсий лидерларни тарбиялаш заруриятини ҳам илмий жиҳатдан асослаб берган. Диссертация бағрикенглик таълими ҳуқуқий-сиёсий таълим эканлиги, уни ташкил этиш эса миллий маънавий тараққиётга хизмат қилиши новация тажрибасини таклиф этган.

ХУЛОСА

Диссертация тадқиқоти натижасида қуйидаги илмий-назарий характердаги фикр-мулоҳазалар, хулосалар тақдим этилди:

1. Бағрикенглик маданияти – адолатли фуқаролик жамиятининг устувор қадрияти. У ижтимоий-маданий меъёрлар тизими бўлиб, фуқаролик жамияти ўзаро муносабатларининг даражасини ифодалайди, шунингдек, у умуминсоний ва миллий, консерватив ва либерал характерга эгадир. Бағрикенглик маданияти динлараро ва миллатлараро муносабатларнинг

умуминсоний мураккаб соҳаси бўлиб, шахсинг низо ва можарода ён бериш, муаммо ечимида куч ишлатишдан ўзини тийиб, мулоқот шаклидаги конструктив имкониятга интилишдир. Толерантлик маданиятининг “сабр-тоқат”, “бефарқлик”, “бетарафлик” каби унсурлари шахсинг ҳуқуқий феъл-атворини ифодалайди.

2.Бағрикенглик инсон турмушида маънавий соҳа сифатида фанларда қуйидаги атамаларда қўлланилади: сабр-тоқат, дунёнинг турли-туманлигида тенглик ва ҳурмат, яшаш ҳуқуқи. Бағрикенглик жамияти – бахтли турмуш учун миллати ва динидан қатъи назар ўзаро муносабатларда ҳамкорлик, қонун устуворлиги, ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатланган жамиятдир. Бағрикенглик маданияти бетарафлик, бефарқлик, сабр-тоқатлилик каби турли ҳуқуқий-сиёсий муносабат омили ҳисобланади. Шу маънода толерантлик маданияти фалсафий-ҳуқуқий билим тармоғи бўлиб, “бағрикенглик”ка мос келмаслигидан фалсафий, айниқса юридик фанларда тушуниш ва қўллашда эътиборга олиш даркор.

3.Ислом сабр-тоқат фалсафаси ранг-баранг дунёда шахсинг касб эгаллаши ва ижтимоийлашувида кадриятлар йиғиндиси ва омухталигидан мусулмоннинг ижтимоий-маданий, диний, демографик фарқларидан қатъи назар муносабатларини тартибга солади. Ислом ҳуқуқий маданияти қуйидаги муҳим толерантлик сифатларини назарда тутаяди: “сабр-тоқатлилик”, “муросою мадора”, “хайрихоҳлик”, “меҳмондўстлик”, “меҳр-оқибатлилик”, “чидамлилик”, “кенгфеъллик”. Ислом – бағрикенглик ва мўминлик диники, у ҳар қандай мусулмонни тоқатидан ташқари иш, сабрсизлик, худбинлик, зўравонлик ва жангариликни инкор этади. Шу маънода ўзбек жамияти сабр-тоқат маданияти шахсинг руҳий, эмоционал сифатларини миллий ахлоқ-одоб, феъл-атвордаги тарбияси ғарбона бетарафлик ва сабр-тоқатдан фарқланади.

4.Муаллиф ислом динига Ғарб ОАВда сунъий жиҳатдан экстремизм ва терроризмнинг манбаи сифатида босим ўтказилиши асосиз деган ғояни илгари суради. Билакс, экстремизм ва прозелитизмнинг олдини олишда ислом толерантлик маърифатининг ахлоқий асосларининг назарий тадқиқи амалга оширилган.

5.Экстремизм шахсинг куч ва зўрликка интилиши сифатида ёшлар ва аёлларнинг диний ҳаётида фундаментализм ва радикаллашувга таянади. МДҲ ва Ўзбекистонда дин ниқобидаги экстремизмнинг келиб чиқиши ва ривожининг объектив ва субъектив, ички ва ташқи омиллари таҳлили радикаллашган ислом тарафдорларининг фаолиятида аёллар ва ёшлар “асосий нишон”далигини тасдиқлайди. Улардан давлатнинг сиёсий тизими ва конституцион тузумни ўзгартиришда фойдаланиш қулайдир.

6.Диний фундаментализмнинг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши Фарғона водийси шаҳарларида “неоваҳҳобийлик” ва акромийлик мисолида экстремистик ҳаракат сифатида яширин, тарғибот, бандитизм ва қотилликларда ўз ифодасини топди. Уларнинг ҳаракат дастури, вакиллари билан бевосита сўровлар асосида ижтимоий ислохотчилик ревизионистик жиҳатлари ҳақида аниқ маълумот ва манбалар шакллантирилди.

Неоваҳхобийлик ва акромийликнинг ижтимоий илдизлари ўрганилиб, келгусида уларнинг олдини олиш учун чора-тадбирлар услубияти аниқланди.

Дин ниқобидаги экстремизм ва фундаментализм асосий тушунчаларининг фалсафий-ҳуқуқий тадқиқи илмий адабиётларда чалкашликлар мавжудлигини кўрсатди. Диний фундаментализм зўравонлик, худбинлик, радикализм асосида экстремизмни намоён этади. Экстремизмнинг вужудга келиши ва водий шаҳарларида тарқалиши ислом дини ислоҳига оид объектив ва субъектив, фалсафий-ҳуқуқий фикр-мулоҳазалар илмий ҳамда ўзга фактологик маълумот ва манбалар билан далилланди.

7.МДХ да диний фундаментализм ва экстремизмнинг намоён бўлиши диний ташкилот ва арбобларнинг беқиёс даражада фаоллашуви асосида давлат ташкилоти фаолиятини издан чиқаришда ўз ифодасини топди.

Биринчи босқичда МДХ маконида экстремизм тарқалишининг сабабларидан бири диний фундаментализмга қарши туришда ижодий кучларни бирлаштириш методологиясининг ишлаб чиқилмаганлигидир. Марказий Осиё ва Кавказда анъанавий ислом дини тарафдорларига қарши ғаразли диний тузилмалар тузиш диний вазиятга ҳатарлидир. Натижада, мустақил мамлакатда ҳудудий бўлиниш билан жамиятда тарқоқлик, қотиллик ва гаровга олиш, молиявий тизим ва ҳокимиятда коррупция “жиноий эпидемия” тусини олди.

Кавказорти ҳудудида исломнинг радикаллашуви нафақат диний, балки геосиёсий жараёнларнинг (Россиянинг) ички сиёсий хусусиятлари билан боғлиқлигидир.

8. Дин ниқобидаги экстремизм таҳдидига қарши кураш ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, табиий равишда яна махсус ёндашувларнинг бирлигида комплекс илмий изланишларга зарурият туғилди. Республика шаҳарлари шароитида маънавий-маърифий, ғоявий ишларнинг ташкилига алоҳида эътибор бериш, аҳолини ҳар томонлама маънавий-ҳуқуқий, ахлоқий, сиёсий етуқлиги муҳим аҳамият касб этади.

9. Ёшларга оид давлат сиёсатининг ижросини таъминлашда толерантлик нуқтаи назаридан “оммавий маданият”га муносабатни шакллантириш миллий кадриятлар бардавомлигини таъминлаш учун Куръон ва ҳадислар, миллий анъана ва одатлардан оқилона фойдаланиш орқали таълимнинг барча бўғин ёшларининг феъл-атворида сабр-тоқатлилик билан бирга, ҳамкорлик фазилатларининг тарбияси ахлоқий тарбияда натижадорлик омилларидан эканлигини эътироф этиш даркор. Ота-оналар, мактаб ва олий таълим ҳамкорлиги юртимизга кириб келаётган «Flesh-mob», «Starism», «Kitch», «Vandal» каби бегона ғоялардан ёшларни муҳофазалаш ахлоқий маърифатнинг самарали таъсирчанлиги билан бирга “неолибераллар”, “мўътадил диндорлар”га бўлиниш билан жамиятда “ислом фундаментализми”нинг олдини олади.

10. Бағрикенглик маданияти инсоннинг жамият ҳаётида баркамолликка эришуви ҳисобланади. Бағрикенглик маданияти бўйича якуний фикр: табиат, жамият ва инсон муносабатларининг ташкили ва бошқарувидаги эришган

ютукдир. Шу боисдан кишилик тарихи маърифат ва ижод асосида ижтимоий тараққиёт муаммоларининг бағрикенглик ечими тарихи ҳамдир.

Юқоридаги хулоса бандларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Диссертациядаги фалсафий таҳлил толерантлик маданияти ислом дини маданиятининг муҳим элементи эканлигини тасдиқлайди. Ўлкамизда узоқ тарихий тараққиётда ижтимоий муносабатларнинг таъсири низо ва можароларни тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хос бағрикенглик маданиятини шакллантирган. Шу маънода таълим тизимида объектив таҳлиллар ўтказиш асосида “Ислом – сабр-тоқат, маърифат дини” махсус ўқув курсини ташкил этиш ёшларнинг маънавий - диний ҳаётида ислом радикаллашувининг олдини олишда ижобий самара беради.

2. Мамлакатимизда толерантлик маданиятини шакллантириш бўйича Миллий концепция ишлаб чиқилиши ва у қуйидаги вазифаларни қамраб олиши лозим:

Ёшларда Ватанимиз эришаётган улкан ютуқлар, халқимизнинг бой маданий тарихи, юксак маънавияти ва маърифати хусусида ёрқин тасаввурларни ҳосил этувчи тадбир, учрашув, экскурсия, суҳбатлар ташкил этиш.

3. Ҳозирги глобаллашув жараёнида ижтимоий, иқтисодий ҳаёт жуда тез илгарилаб бораётган бир даврда ёшларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни, ҳиссасини барча соҳаларда янада жадаллаштириш ҳамда ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, уларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш мақсадида ислом динининг асл моҳиятини ёшларга тушунтирадиган қўлланмалар нашр этиш зарур.

Бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-маданий технологияларини ишлаб чиқиш ва уни таълим тизимининг барча босқичларидаги “Мураббийлик соатлари” дастурига киритиш орқали таълим тизимида толерантлик муҳитини барқарорлаштириш.

4. Фарғона водийсида “Водий ижтимоий сиёсий фанлар академия”сини ташкил этиш, шунингдек, вилоят таянч ОТМлари қошида экстремизмга қарши курашнинг ижтимоий, диний, маданий жиҳатларини ўрганишга доир илмий тадқиқот марказлари фаолиятини ташкил этиш, олиб борилган тадқиқотлар мониторингини ҳудудий секторлар фаолиятига татбиқ этишнинг перманентлик тизимини йўлга қўйиш.

5. Фарғона водийсидаги маданий хилма-хилликни эътиборга олган ҳолда ёшлар ўртасида мунтазам равишда толерантлик маданияти даражасини аниқлашга хизмат қиладиган социологик сўровларни ўтказиш, бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг мезонларини ишлаб чиқиш ва уни оилалар кесимида амалиётга татбиқ этиш орқали жамиятда толерантлик жараёнини мўътадиллаштиришга эришиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.35/30.12. 2019.IsI. /Tar/F.57.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ МЕЖДУНАРОДНОЙ
ИСЛАМСКОЙ АКАДЕМИИ УЗБЕКИСТАНА**

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

**КУЛЬТУРА ТОЛЕРАНТНОСТИ КАК ФАКТОР ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ
ЭКСТРЕМИЗМА**

07.00.04 –Религиоведение (философские науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером B20184.DSc/Fa140в Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена на кафедре Социальных наук Наманганского инженерно-технологического института.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета вуза www.iiiau.uz и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» www.ziyonet.uz.

Научный консультант:	Киёмиддин Нормирзаевич Назаров доктор философских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Матлюба Манафовна Каххарова доктор философских наук, профессор
	Умиджон Рахимжонович Кушаев доктор философских наук, и. о. профессор
	Маъруфжон Шокирович Усманов доктор философских наук, доцент
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится “___” _____ 2020 года в _____ на платформе онлайн заседании ГНМЦ Научного совета № DSc.35/30.12. 2019.IsI. /Tar/F.57.01 по присуждению ученой степени доктора наук при Международной исламской академии Узбекистана. (Адрес: 100011, город Ташкент, ул. А.Кадири, дом 11. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Международной исламской академии Узбекистана (зарегистрирована за № _____) (Адрес: 100011, город Ташкент, ул. А.Кадири, дом 11. Тел.: (99871) 2440056)

Автореферат диссертации разослан « ___ » _____ 2020 года
(протокол реестра рассылки № _____ от _____ 2020 г.)

Ш.А. Ёвкочев

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор политических наук, профессор

Д.А. Рахимджанов

Секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат исторических наук, доцент

З.М.Исламов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, профессор

Введение (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. XXI век характеризуется ускорением процессов глобализации и трансформацией всей системы международных отношений, расширением спектра вызовов и угроз безопасности, среди которых особо выделяются международный терроризм и экстремизм в мире. Угрозы терроризма и насильственного экстремизма носят по своей сути и по масштабам действия, транснациональный характер и вызывают озабоченность всего мирового сообщества. Об активизации усилий международного сообщества в борьбе с ними свидетельствует то, что в этой сфере принято свыше 60 международных конвенций, планов действий, структур¹. Не прекращается борьба идеологий, отражающих различные цели и интересы. В этой связи активизация идеологических и религиозных центров за завоевание сердец людей, прежде всего молодежи, влияние на сознание нации или народа требует внедрения эффективных мер предотвращения любых видов экстремизма и насилия.

Мировое сообщество ведет научные исследования, направленные на совершенствование мер предотвращения экстремизма и терроризма, указанные во Всеобщей декларации прав человека, декларации принципов толерантности, Международных документах по правам и свободам человека. В университетах Берлина и Парижа ведутся научные исследования культуры толерантности в контексте с этноконфессиональной нормой права, Саудовской Аравии и Египте - в рамках философии этики ислама и терпимости. Культура толерантности молодежи стала приоритетом научных исследований либеральной толерантности в социально-философских науках Западной Европы, а у народов Востока - особенности консервативной терпимости.

Инициативы Республики Узбекистан по обеспечению социально-экономической стабильности в регионе и мире получили позитивные оценки на самых престижных международных форумах и встречах. Это позволяет предотвращению экстремизма, озвученной в резолюции Генеральной Ассамблеи ООН “Просвещение и религиозная толерантность”, в предложенной Президентом Узбекистана концепции «Просвещение – против невежества» представлено, что обеспечение качественного образования молодежи признано как условие “предотвращения этноконфессиональной

¹ Декларация о ликвидации всех форм нетерпимости и дискриминации на основе религии или убеждений ООН, 1981 г.; Декларация принципов терпимости ООН, 1995; Декларация принципов толерантности ЮНЕСКО, 1995 г.; Бухарестский план действий ОБСЕ по борьбе с терроризмом, 2001 г.; Шанхайская конвенция о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом, 2001 г.; Конвенция Шанхайской организации сотрудничества по противодействию экстремизму, 2017 г.; Договор о сотрудничестве между государствами-участниками Содружества Независимых Государств в борьбе с терроризмом, 1999 г.; Решение совета глав государств СНГ «О концепции сотрудничества государств-участников содружества независимых государств в борьбе с терроризмом и иными насильственными проявлениями экстремизма», 2005 г.; Арабская конвенция о борьбе с терроризмом, 1998 г.; Конвенция Организации Исламская конференция о борьбе с международным терроризмом, 1999 г. и другие.

дискриминации, защита прав и свобод верующих, уважение и терпение”². Фундаментальные исследования проявлений экстремизма требуют социального анализа трагических событий в Намангане (в декабре 1991 года), в Ташкенте (в феврале 1999 г.) и в Андижане (в мае 2005 года). Необходимы фундаментальные социально-философские исследования поиска эффективных мер преодоления экстремистских настроений и формирования культуры толерантности молодежи, раскрытие сущности и содержания общечеловеческих и национальных норм «культуры толерантности», чтобы «...способствовать социальной справедливости, дружбе, защите прав человека и ликвидации невежества и практики насилия»³.

Данное диссертационное исследование служит реализации задач, определенных в законах Республики Узбекистан «О противодействии экстремизму» (2018 г.), «Об Оборонной доктрине Республики Узбекистан» (2017 г.), «О государственной молодежной политике» (2016), «О свободе совести и религиозных организациях (новая редакция, 1998)», «Об утверждении Концепции национальной безопасности Республики Узбекистан» (1997), а также в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах, Указах Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере» (№ 5416 от 16 апреля 2018 г.) «Об утверждении Концепции государственной политики Республики Узбекистан в сфере межнациональных отношений» (№ УП-5876 от 15 ноября 2019 г.), Распоряжении Президента Республики Узбекистан «О мерах по подготовке материалов о помиловании осужденных лиц, отбывающих наказание в учреждениях по исполнению наказания, в связи с двадцать пятой годовщиной принятия Конституции Республики Узбекистан» (№ Р-5071 от 29 сентября 2017 г.), Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Меджлису и др.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Диссертация осуществлена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики 1. «Исследование духовно-нравственного и культурного развития общества, духовных ценностей и национальной идеи, культурного наследия узбекского народа и государственности, а также непрерывности и последовательности образования, воспитания совершенного поколения».

Обзор иностранных научных исследований по теме диссертации⁴. Научные исследования, посвященные изучению сущности и содержания

² Доклад Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева на 72 сессии Генеральной Ассамблеи ООН// Народное слово. - 2017, -20 сентября; Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей 12 декабря 2018 года A/RES/73/128 «Просвещение и религиозная толерантность»// <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/A/RES/73/128>.

³ Shirin A. Violence in Andijan, 13 May: An Independent Assessment -Uppsala University, 2005. - P. 12-24.

⁴ Обзор научно-исследовательских работ по тематике диссертации: www.aapss.org, www.lse.ac.uk, <https://www.sida.se>, www.gallup.com; www.iss.europa.eu; <https://icscentre.org>; <https://shisu.edu.cn>; <https://www.dba.uz>; <https://www.urfu.ru>; <https://www.mgu.ru>; <https://www.rgppu.ru>; <https://www.nuu.uz>; <https://www.tiu.uz>; www.namiti.uz и др.

толерантности, социально-экономические, культурные особенности осуществлены известными мировыми научными центрами и системой образования таких, как: American Academy of Political and Social Science (США), Swedish international development cooperation agency (Швеция), London School of Economics and Political Science (Англия), European Union institute research social opinion of Gallup (Франция), Civil Society Fund Frederich Ebert, Berlin civil Society Center (Германия), Institute of Contemporary Arts (Англия), в Институте мира, Антидиффамационной лиге, Южном центре по защите гражданских прав, Международном центре развития толерантного сознания и предотвращения экстремизма (США), МГУ им. М.В. Ломоносова, Уральском Федеральном университете имени первого Президента Б. Ельцина, Международной академии исламского фикха при Организации исламской конференции (Саудовская Аравия), Академии исламских исследований аль-Азхар (Египет). В Узбекистане аналогичные исследования осуществляются в Национальном университете имени Мирзо Улугбека, Международной исламской академии и Наманганском инженерно-технологическом институте.

В процессе исследования факторов противодействия религиозному экстремизму в международном уровне получены следующие результаты: исследованы проблемы и разработаны рекомендации по приоритетным направлениям отношения государства и религии, религиозных прав и свобод граждан (American Academy of Political and Social Science, London School of Economics and Political Science, Civil Society Fund Frederich Ebert, Berlin civil Society Center); сущности и содержания, социальные закономерности культуры толерантности молодежи как фактора предупреждения экстремизма (Institute of Contemporary Arts, Swedish international development cooperation agency). Изучены правовые основы противодействия экстремизму (Международная академия исламского фикха при Организации исламской конференции); исследовано своеобразие и особенности культуры исламской терпимости, нравственный характер национальной толерантности народов Востока (Академия исламских исследований аль-Азхар); аналогичные научные исследования по выявлению причин формирования экстремистских настроений и нетерпимости, границ толерантности (МГУ им. М.В. Ломоносова, Уральский Федеральный университет имени первого Президента Б. Ельцина); научные и практические рекомендации по философии толерантности ислама, роли религиозных организаций и авторитетов в преодолении экстремизма и терроризма были разработаны в Узбекистане (Международная исламская академия).

В общественных науках мира исследуются проблемы противодействия экстремизму в контексте национального самосознания, радикализация религиозной ситуации, совершение террористических актов, маскируясь исламом, направленные на совершенствование методологии по регулированию взаимоотношений государства и религии, верующим в идеи

верховенства закона⁵. Тем самым отдельным приоритетным научным направлением стал аксиологический подход по предотвращению экстремизма в контексте с социально-экономической и культурной основой культуры ислама⁶.

Степень изученности проблемы. Культура толерантности в обществе, межрелигиозный диалог, проблемы религиозной терпимости нашли свое отражение в трудах современных зарубежных и отечественных ученых и классиков мировой философии. Значительное число работ классиков мировой философии и современных зарубежных ученых посвящено исследованиям различных вопросов веротерпимости, взаимоотношений мировых религий, толерантности в обществе⁷. Ряд фундаментальных трудов современных зарубежных ученых, таких как В. Арестов, Т. Бояр-Сазанович, А. Васильев, В. Галперин, А. Грачев, А. Игнатенко, П. Каушанский, А.Коровикова посвящены проблемам идеологической сущности, объективные и субъективные причин экстремизма и радикализма⁸. В них анализируются идеологическая сущность экстремизма, касающихся данной проблемы, составляют исследования толерантности в укреплении политической системы общества⁹.

